

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Гулистон давлат университети

Тарих кафедраси

Байтураев Нодирбекнинг (5-42 гуруҳ)

5220200 – тарих таълим йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун
ёзилган

«ИНДОНЕЗИЯ ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ
СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ (X – XV АСРЛАР)»

мавзусидаги
БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: т.ф.н., доцент О.Р.Назаров

Гулистон - 2013

Р Е Ж А

Кириш

1-БОБ. ИНДОНЕЗИЯ ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ
(I-X АСРЛАР)

1.1. Индонезиянинг дастлабки давлатларидаги ижтимоий-
сиёсий ва маданий ҳаёт

1.2. Матарамнинг юксалиши ва Шривиджайянинг
гуллаб-яшнаши

1-бобга хулоса

2-БОБ. XI-XVI АСРЛАРДА ИНДОНЕЗИЯ ХАЛҚИНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

2.1. XI-XVI асрларда Индонезияда янги давлатларидаги
(Кедири, Сингасари, Шривиджайя, Мажапахита)
ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт

2.2. XVI асрда Индонезиядаги ижтимоий-сиёсий ва
иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви

2.3. Индонезия маданияти

2-бобга хулоса

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, тарих инсон орқали вужудга келади ва инсон орқали абадиётга айланади. Инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали юзага келган ҳодиса сифатида қадриятга айланади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсон ақл-идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётининг фалсафаси, жамиятни тараққий эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, бутун бир халқ, бутун бир жамият менталитетини белгилайди [20, 15-б.]. Ана шу менталитет – миллат еки халқнинг умумий маданий-маънавий даражаси, ақл-идроки, тафаккур майдони нечоғлигига қараб тараққиётнинг ёхуд таназзулнинг мазмун-моҳияти очилади. Тарих эса ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, айни пайтда ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади. Турли ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, воқеалар шу тарзда вужудга келади ва тарихий тараққиёт шажарасининг бўғинларини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этса-да, шу билан бирга жаҳон тарихини ўрганиш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ўзга халқлар тарихи билан қизиқиш инсонлар дунёқарашини кенгайтиришга, билимларини оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан мактаблар ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида жаҳон тарихи курси ўрганилмоқда. Олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар соҳаларидан тарих факультетларида умумкасбий ва ихтисослик фанлари сирасига Қадимги дунё тарихи, Жаҳон цивилизацияси тарихи, Ўрта асрлар тарихи каби фанлар киритилган бўлиб, ўрганилиб келинмоқда. Бунда цивилизациялар тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки цивилизациялар тарихини ўрганиш, ўтмиш аجدодларнинг маданиятини билиш демакдир. Маданиятни билиш эса нафақат тарихни билиш, балки маънавий-маърифий, эстетик тарбия ҳам олиш демакдир. Президентимиз И.Каримов «Қар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар,

миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди» [1, 11-б.], деган. Демак, цивилизация тарихи – бирон-бир халқ ёки миллатнинг ўтмишдаги тараққийсининг ойнасидир.

Ўрта асрлар тарихида Жануби-Шарқий Осиё халқлари тарихи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Негаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё, жумладан Тинч океан ҳавзасидаги Индонезия, Малайзия, Бруней каби мамлакатлар билан ҳамкорликни ўрнатган бўлиб, ислом дини, ислом маданияти халқларни маънавий жиҳатдан яқинлаштирадиган куч сифатида эътироф этилмоқда.

Ислом динининг тарқалиши биринчи навбатда араблар, кейин эса бошқа халқлар, жумладан индонезияликлар маданияти равнақиға маълум таъсир ўтказган. Демак, индонезияликлар цивилизацияси тарихини ўрганиш бугунги кунда долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Индонезия Республикаси (Republik Indonesia) — Жанубий – шарқий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Малай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея оролининг ғарбий қисмида жойлашган. Майдони 1904,6 минг км². Аҳолиси 228,4 млн. киши (2001). Пойтахти — Жакарта шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 26 вилоят (province) га бўлинади. Дин – Ислом, ҳиндуизм, буддизм. Тил – Индонез (бахаса индонез) [42]. Пул бирлиги - Индонезия рупияси.

Бугунги Индонезия — унитар республика. Амалдаги конституцияси 1945 йил 18 августда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — 5 йил муддатга сайланадиган президент (2001 йил июлдан Мегавати Сукарнопутри хоним). Давлат ҳокимиятнинг олий органи — Халқ маслаҳат конгресси. У конституцияни тасдиқлайди, унга ўзгартиришлар киритади, президент ва вице – президентни сайлайди. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — халқ вакиллари кенгашидан иборат. У жорий қонун

чиқарувчилик фаолияти билан шуғулланади. Унинг 500 депутатидан 462 нафари умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва қолган 38 нафари (харбийлар фракцияси) президент томонидан тайинланади. Ижроия ҳокимиятни президент ўзи тайинлаган ҳукумат билан бирга амал оширади [44].

2001 йил июлдан А. Сукарнонинг қизи Мегавати Сукарнопутри президент лавозимига сайланди. Индонезия — 1950 йилдан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 17 август. — Мустақиллик эълон қилинган кун (1945). Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатларини 1992 йил 23 майда ўрнатди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Индонезиянинг вужудга келиши, ўтмиш цивилизациясининг ютуқларини, ўрта асрларда Индонезия тарихининг ўзига хос хусусиятларини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволини очиб бериш мақсадида, олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- Индонезия оролларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини умумийлаштириш;
- илк ўрта асрлардаги Индонезия маданиятини тавсифлаш;
- XI-XV асрлардаги Индонезия ижтимоий-сиёсий тарихини таҳлил қилиш;
- Индонезиядаги иқтисодий ҳаёт ва халқнинг аҳволига баҳо бериш;
- бу даврдаги Индонезия маданиятининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- ишда келтирилган маълумотлар асосида тегишли мавзуларни ўрганиш юзасидан тавсиялар бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу юзасидан махсус адабиётлар жуда кам. Ҳатто Интернет саҳифаларида Индонезиянинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ҳақида кам маълумот учратдик. Асосан «Қадимги Шарқ тарихи», «Қадимги цивилизациялар», «Ўрта асрлар тарихи», «Ислом тарихи» [18, 22,23] каби дарслик ва қўлланмаларда, ҳамда айрим

мақолаларда қадимги давр Арабистон маданияти ҳақида маълумотлар мавжуд.

Индонезиянинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, «Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи» китобида илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрлар даврида Индонезия тарихи ёритилган; «Ўрта асрларда Хорижий Осиё мамлакатлари тарихи» китобида Индонезиянинг илк, ривожланган ва сўнгги ўрта асрлардаги тарихи очиб берилган [24,25]. Индонезиянинг турли даврлари тарихи совет даврида рус тилида чоп этилган кўп жилдли “Умумжаҳон тарихи”нинг бир қатор жилдларида даврма-давр ёритилган ҳолда учрайди [6,7,8,9,10,11,12, 13].

Интернет саҳифаларидаги виртуал кутубхоналар каталогида Индонезия тарихига доир бир қатор адабиётлар келтирилган. Кўрсатилган сайтларнинг айримларида баъзи бир адабиётлардан олинган парчалар билан танишиш мумкин. Кўпчилик адабиётлар билан танишиш учун буюртма бериш сўралади. Шундай бўлса-да, келтирилган парчалар ҳам Индонезия тарихи ва маданияти юзасидан қимматли маълумотларни беради. Жумладан, О. Прокофьевнинг «Индонезия санъати», В. Сикорскийнинг «Индонезия адабиёти», Д.Холлнинг «Жанубий-Шарқий Осиё тарихи» китобларида Индонезия маданиятининг асосий қирралари ёритилган [32, 36, 40].

Интернет маълумотларини www.wikipedia.ru, www.travel.ru, www.turizm.ru; www.krugoswet.ru, www.civreg.ru, www.ancient.ru, www.bankreferatov.ru каби сайтлардан топиш мумкин.

Ишнинг илмий янгилиги ва эришилган натижалари. Бугунги кунда Ўзбекистонлик тарихчилар умумжаҳон тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боришмаяпти. Бунинг сабаби шундаки, кўп йиллик мустамлакачилик тузумдан сўнг ўзбек халқининг йиллар давомида бузиб кўрсатилган тарихини янгича нуқтаи назардан, ҳолисона ва ҳаққоний еритиш борасида,

янги мазмундаги Жаҳон тарихини ўзбек тилида яратиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Индонезия тарихи ва маданияти эса ўзига хослиги билан ажралиб туради. Индонезия маданияти ҳақида ўзбек тилида адабиётлар йўқ ҳисоб. XX асрда рус тилида ёзилган олий ўқув юртлари учун дарсликларда айрим маълумотлар учрайди. Бундан ташқари “Ўрта асрлар тарихи” курсини ўрганишда ҳам кейинги йилларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тарихига катта эътибор берилмоқда. Чунки биз бир минтақада яшаймиз.

Шунинг учун умумжаҳон тарихининг узвий қисми бўлган Индонезия тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даврини ёритиш ҳам бугунги кунда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу мавзуда битирув-малакавий ишлар ёзиш ва ҳимоя қилиш, рисола ва ўқув қўлланмалар яратиш ўзбек тилида жаҳон тарихини батафсил ёритиш ишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишда келтирилган маълумотлардан Жаҳон тарихининг «Ўрта асрлар тарихи» курси, «Жаҳон цивилизациялари тарихи», «Маданиятшунослик» каби фанларни ўқитиш ва ўрганишда, реферат, курс ишлари, мақолалар, ижодий ишлар ёзишда, мустақил таълим топшириқларини бажаришда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши. Мазкур битирув-малакавий иш Кириш, 2та боб, Хулоса ва тавсиялар қисмлари ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. I-X АСРЛАРДА ИНДОНЕЗИЯДАГИ ДАВЛАТЛАР ТАРИХИДАН

1.1. Индонезиянинг дастлабки давлатларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт

Индонезияда давлатнинг ташкил топиши унинг халқларининг ички ривожланишининг қонуний натижаси бўлди. Эрамиздан аввалги I минг йиллик охирларидан бошлаб денгиз йўллари чорраҳасида жойлашган Индонезия ҳудудларида, биринчи навбатда Ява ва Суматра соҳилларида бронза техникасини ўрнини темир эгаллайди, ишлаб чиқариш ҳажми ортади, айирбошлаш муносабатлари ривожланади. Уруғчилик жамоасида табақаланиш содир бўлади [25, 85-86 б.].

Малайя архипелаги ва Малакка ярим ороли ҳудудида илк давлатлар эрамиз бошларида пайдо бўлди. Бу даврга келиб маҳаллий деҳқончилик қабилалари юқори ривожланган суғорма шоликорликни, юк ташувчи ҳавонлар (буйвол) ларни етиштиришни, бронза қўйишни ва темир ишлаб чиқаришни амалга қўллар эдилар. Уларнинг эътиқодлари аجدодларга сиғиниш ва рушларга ишониш билан ажралиб турарди. Малайяликлар ва Австронезия тил оиласига мансуб бошқа халқлари қадимдан аъло денгизчилар ҳисобланган.

Малакка бўғози ва қадимги Нусантара (Узоқ ороллар) сувларида жаҳон савдо йўллари ўтган эди. Тропик муссонлар мунтазам равишда денгизда сузиб юришга имкон яратарди, шунинг учун ушбу ҳудуд Яқин ва Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларини ривожлантиришда муҳим бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилди.

Катта Зонд ороллари ва Шимолий Малайянинг дарё водийларида синфий жамият дастлабки ўчоқларининг пайдо бўлиши ҳинд, антик ва хитой манбаларида қайд этилган. Қадимги давлатчиликнинг шаклланиши ва ривож

топиши Ҳиндистон маданий меросининг элементларини (ёзув, адабий-мифологик сюжетлар, буддизм меъёрлари, ҳиндуизм ақидалари ва ҳк.) ўзлаштириш натижасида жадаллашиб борди.

Натижада улкан Малайя (Индонезия) архипелагида эрамизнинг биринчи асрларида давлатлар шаклланиши жараёни бошланади. Эрамизнинг I мингйиллиги ўрталарида, яъни илк ўрта асрларга келиб, архипелагдда айрим хитой, ҳинд, антик манбаларда ёзилишича, 7-10 та давлатлар, бошқа маълумотларга кўра эса 20 дан кам бўлмаган давлатлар вужудга келади. Бироқ ушбу давлатлар ҳақида маълумотлар жуда камдир. Буларга бугунги кунгача сақланиб қолган ўша даврнинг моддий маданият ёдгорликлари – ибодатхоналар, хайкаллар, стелалар, қурол-яроғлар ва ҳоказолар, хитой солномалари, айрим ҳинд ва антик ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар, ниҳоят индонезия эпоси ҳамда илк форс ва араб кўлёзмаларидаги маълумотларни киритиш мумкин.

Индонезиядаги қадимги давлатларнинг жойлашуви ҳақида ҳам кўпгина ноаниқликлар мавжуд. Эрамизнинг I мингйиллик биринчи ярмида Жанубий-Шарқий Осиё , хусусан, Индонезия ҳақида муаллифлар томонидан қолдирилган география ва тарих бўйича маълумотлар жуда камдир. Шунинг учун айрим ҳолларда у ёки бу атама давлат ёки ҳудуднинг номиними, ёки орол ва ороллар гуруҳи номиними, халқ ёки бир гуруҳ халқлар номини англатаётганини аниқлаш жуда қийиндир. Архипелагдаги бир қатор давлатларнинг жойлашувини аниқлаш масаласи ҳам жуда мураккабдир. Чунки қадимги муаллифларга, масалан, Суматра ва Ява - иккита бошқа-бошқа орол эканлиги кўп ҳолларда номаълум эди. Малайя архипелагининг умумий номи ҳиндларда – Двипантара (“Ороллараро”), ёки Явака (Жавака); хитой муаллифларида – Куньлунь (этник манодаги маҳаллий номнинг транскрипцияси) бўлган. Айрим ҳолларда ушбу терма номлар Малайя ярим оролини ҳам билдирган. Суматра эса ҳиндларда Суварнадвипа (“Олтин орол”), Суварнабхуми (“Олтин ер”), Малайюдвипа, Ява – Явадвипа деб

аталган, айрим ҳолларда бу номлар билан бутун архипелаг ҳам аталган. Явадвипа номидан тахминларча, Ябадиу (Иабадиу) номи келиб чиққан бўлиб, бу номни II аср юнон географи Птолемей келтиради. Бундан ташқари, бу номдан Епоти, Шепо, Дупо номлари ҳам келиб чиққан бўлиб, бу номларни хитой муаллифлари келтиришади (хитойликлар Явани Ситяо ам деб аташган). Калимантан (Борнео) Ҳиндистонда Варунадвипа (“Варуна худосининг ороли”) ёки Карпурадвипа (“Камфора ороли”) номлари остида маълум эди [6, 588-б.].

Манбаларда тилга олинган дастлабки давлат хитойча транскрипцияда – Етяо, қадимги талаффузда – Япдив бўлиб, тахминларча бу Ява бўлиши мумкин. Бу ердан эрамининг 132 йилида Хитойга элчилик жўнатилган эди. Айнан шу давлат (ёки худуд) ҳиндларга “Явадвипа” тариқасида антик даврдаёқ маълум бўлгандир.

Ғарбий Явада IV аср охири – V аср бошларида Тарума давлати пайдо бўлади. Ундаги расмий дин ҳиндуизм бўлади. Марказий Явада худди ўша даврда буддавий давлат Калинга майдонга чиқади. Манбаларда эслатиб ўтиладиган Хэлодань, Хэлодо, Хэлин каби хитойча номлар айнан шу давлатга тааллуқлидир. VIII аср иккинчи ярмига оид хитой манбаларидан бирида ёзилишича, Хэлин жуда бой давлат бўлган, унга 28 та князликлар бўйсунган эди. VI-VII асрлар оралиғида, Суй сулоласи даври солномасига кўра, Шэпо ёки Дупо (Ява) оролида 10 та пойтахт шаҳарлар бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари подшо унвонини олган эдилар. Бу ўша даврда Явада ҳеч бўлмаса 10та давлат мавжудлигини билдиради. Юқорида кўрсатилган давлатлардан ташқари, Марказий Явадаги V аср бошлари –VII асрга оид Дань-дань кучли князлиги, Шарқий Явада Поли князлиги, V-VII асрларда Бали оролида, ҳамда V асрда Пода князликлари мавжуд эди. Суматрадаги энг илк давлат эса тахминларча буддавий давлат Гэни, ёки Гэгуань бўлган бўлиши мумкин. У шарқий қирғоқбўйларида II-III асрлар оралиғида пайдо бўлди ва V аср бошларигача мавжуд эди. Гэни ҳозирги Жамби ва

Палембанга ҳудудларида гўзал бандаргоҳларга эга эди, Ҳиндистон ва Форс билан савдо-сотиқ олиб борарди. Унинг пойтахти ҳам гўзал ва бадавлат эди. Бу шаҳарни Птолемей Аргирё, яъни “Кумуш” деб атаган эди. V аср бошларида Гэни ўрнида Гантоли давлати вужудга келади. Кейинчалик, VI аср бошларида, бу ерда Малайю князлиги вужудга келади [6, 590-б.]. Ушбу князликдаги иккита порт-шаҳар – Жамби ва Палембанганинг рақобати VII асрда унинг заифлашуви ва парчаланишига олиб келади. Малайю князлигидан Жамби князлиги ажралиб чиқади. Умуман эса Шарқий ва Жануби-Шарқий Суматранинг ҳудуди суматра цивилизациясининг асосий маркази бўлган.

Номлари зикр этилган давлатлардан ташқари Суматрада Барус князлиги – оролнинг чекка шимолида (V аср); Поло князлиги – оролдан жануброқда (V-VII асрлар); Похуан князлиги – Малайюдан жануброқда (V-VII асрлар) мавжуд эди. Банка ва Биллитон оролларида эса III асрдаёқ, хитой манбаларига кўра, илк давлат ташкилоти Пулей (у архипелаг номи ҳам бўлиши мумкин) мавжуд эди [6, 590-б.].

Шарқий Калимантанда IV-V асрлар оралигида диний эътиқоди бўйича ҳиндуий бўлган мустақил князлик пайдо бўлади. Унинг ҳудудига ҳозирги Кутей кирарди. Бу ерда Индонезиядан топилган ёзувлардан энг қадимги ҳисобланмиш санскрит тилидаги ёзувлар топилган. Бу князлик Варунадвипа деб аталган. Унинг номи ўзгартирилган тарзда Бруней князлигининг ҳамда оролнинг европача номи – Борнеонинг малайя тилидаги номида сақланиб қолган. Ушбу князликдан кейин Ғарбий Калимантанда Виджайяпура князлиги пайдо бўлади. Шимолда эса Бруней (хитойча – Бони) вужудга келади. X асрда Бруней машҳур савдо князлиги бўлиб, Хитойга мустақил элчилик жўнатган.

Индонезиянинг шарқий ҳудудларида давлатларнинг ташкил топиш жараёни ҳали бошланмаган эди. Ушбу улкан ҳудудни ва у ерда истиқомат

қилаётган кўпсонли халқларни хитойликлар Лоча, Цзюэ-лунь, Чжубо ва бошқа атамалар билан аташган [39 2 том, 1962, 34-35-б.].

Индонезияда давлатларнинг вужудга келиши ундаги халқларнинг ички ривожланиши натижаси эди. Эр.авв. I минг йиллик охиридан бошлаб денгиз йўллари чорраҳасида жойлашган Индонезия ҳудудларида, авваламбор Ява ва Суматрада – бронза техникаси ўрнига темир келади, ишлаб чиқариш ва қўшимча маҳсулотўсади. Айирбошлаш, мулкый тенгсизлик, табақавий бўлиниш кузатилади. Индонезия халқларида давлатнинг пайдо бўлиши турли даврларда содир бўлди.

Индонезияда давлатларнинг ташкил топиш жараёни Малайя архипелагидаги ҳудудлараро ички савдо-сотиқ, ҳамда қўшни давлатлар билан ташқи савдо-сотиқнинг ўсиши натижасида жадаллашди. Савдо-сотиқ асосан денгизчилик воситасида амалга оширилган. Ички ороллارаро денгиз йўллари Суматранинг шарқий қирғоқларидан то Молукка ва Кичик Зонд оролларигача олиб борган.

Малакка бўғози орқали, Ява ва Жануби-Хитой денгизи орқали эрамиздан аввалги I минг йиллик охиридаёқ Ҳиндистондан савдо йўллари ўтган, кейинчалик эса Ўрта ер денгизи бўйларидаги мамлакатлар ва Олд Осиёдан Индонезия ороллари ва Хитойга олиб борадиган денгиз йўллари ўтган. Буюк савдо йўлидаги ҳудудларда истиқомат қилган халқлар ва элатлар савдо-сотиққа тортилган эди. Замонавий индонезияликларнинг аجدодлари устомон денгизчилар бўлган, улар архипелагнинг чекка бурчакларига керакли маҳсулотларни олиб келиш учун кемаларда сузиб боришган, хатто Жанубий денгизларнинг бошқа мамлакатларига ҳам боришган. Манбалардаги маълумотларга кўра, индонезияликлар илк ўрта асрларда Ҳиндистон ва Африка қирғоқларигача етган. Индонезияликларнинг аجدодлари Мадагаскарга бориб, у ерда ўрнашиб олганлар [34, 154-б.].

Эрамизнинг I минг йиллиги биринчи ярмида Индонезия кемалари Хитойга бориб, савдо-сотиқ гуллаб-яшнаган. Бу ҳақда Индонезия ҳудудига

кўплаб топилган Хань сулоласи даври керамикаси далолат беради. Бир қатор топилмалар Ўрта ер денгизи бўйларидаги халқлар билан савдо-сотиқ муносабатлари йўлга қўйилгани ҳақида далолат беради. Индонезиянинг кўпгина ҳудудларида Ўрта ер денгизи бўйларида тайёрланган шиша мунчоқлар топилган. Явадаги эр.авв. III асрга оид дольменларнинг бирида эр.ав. VI аср билан белгиланган юнон мунчоқлари топилган.

Айниқса, қадимги ва мустаҳкам алоқалар Индонезия ва Ҳиндистон, биринчи навбатда, Жанубий ва Шарқий Ҳиндистон билан ўрнатилган эди. Кўпчилик олимлар Индонезия тарихида Ҳиндистон таъсирини кўтаришган, ҳиндистонликлар Индонезияда қўшничилик кўринишидаги жамоатчилик ташкилотларини киритганлар деганлар (масалан, деса – жамоалар), ҳатто айрим олимлар давлатчиликни ҳам вужудга келтирганлар, деб исботлашга уринганлар. Бироқ, Индонезиядаги давлатчиликнинг шаклланиши, даставвал, мамлакат халқларининг ички ривожланиши натижасида вужудга келганлиги исботлаб берилган. Индонезия ҳақидаги қадимги ҳинд манбаларидаги маълумотларда, эр.ав. III асрда яратилган “Рамаяна”да “Еттита подшолик билан безатилган Явадвипа” ҳақида сўз юритилади (Явадвипа деб қадимги Ҳиндистонда ё Явани, ёҳуд Суматрани, ёки архипелагнинг ўша даврда маълум бўлган барча ороллари назарда тутилган) [34, 158-159-б.].

Индонезиянинг қўшни ривожланган давлатлар билан доимий алоқада бўлган ривожланган ҳудудлари ташқи таъсирларга дучор бўлган бўлиши мумкин. Бироқ архипелагдаги юзлаб қабила ва элатлар яшайдиган улкан ҳудудларга ҳеч қандай таъсир ўтказмаган. Савдо-сотиқ асосан денгиз бўйларидаги шаҳарларда, князлар қароргоҳларида ва уларга яқин ҳудудларда олиб бориладди. Демак, Индонезияда давлатчилик мустақил тарзда шаклланган.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, юксак ривожланган қўшни мамлакатлар билан доимий алоқалар, савдо-сотиқнинг ривожланиб бориши

Индонезиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун катта аҳамият касб этган. Ижтимоий табақаланиш ва давлатчиликнинг шаклланиши шароитларида янги мафкурага эҳтиёж сезилди. Бу мафкура меросхўр ҳукмдорлар ҳуқуқларини қонунийлаштириши, ижтимоий табақаларни ҳимоя қилиши, урф-одатлар, маросимлар, унвонлар, зодагонлар мансабларини тасдиқлаб туриши лозим эди. Ўша даврда Ҳиндистонда Индонезиянинг юқори табақалари манфаатларига мос келадиган мафкура шаклланган эди. Шунинг учун ҳинд динлари – буддизм ва айниқса ҳиндуизм (асосан шиваизм шаклида) ҳамда касталар тизими элементлари қабул қилинди [27, 59-б.].

1.2. Матарамнинг юксалиши ва Шривиджайянинг гуллаб-яшнаши

VIII аср биринчи чорагининг охирида Марказий Явада Санжайя ҳукмронлик қилган давлат юксалди. Дастлаб Санжайя Марказий Явадаги йирик давлат Калинга таркибига кирувчи катта бўлмаган ҳудуд Матарамнинг ноиби бўлган. Аста-секин Синжайя ўз ҳукмронлиги остидаги ҳудудларни кенгайтириб, каттагина давлатга асос солди. Бу давлат Матарам Биринчи номини олди (Матарам Иккинчи XVI асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди). Санжайянинг ҳукмронлиги - Марказий Яванинг сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалиши давридир. Матарамнинг ҳукмдори “шри-махаража” унвонига эга бўлиб, ноибларга таянган ҳолда ҳукмронлик қилган. Ҳукмдор худонинг ердаги сояси ҳисобланган. Санжайянинг қўшинлари Явадаги бир қатор давлатларни босиб олдилар. Улар Камбожага ҳам бостириб кирганлар. Санжайянинг ўғли камбожалик маликага уйланган эди, шунинг учун Матарам Камбожани ўз қўлига киритишни хоҳлаганди. Сўнгги солномаларидан бирида ёзилишича, Санжайя Бали, Суматра, Ҳиндистон ва Хитойга юришлар уюштирган.

770 йилларда Марказий Явада янги сулола – Шайлендра мустаҳкамланди. Шайлендра санскрит тилидан “тоғлар ҳукмдори” деб таржима қилинади, индонезияликлар уни Сайлендра деб талаффуз қилганлар. Ушбу сулолага Санжайянинг набираси асос солган эди. У ўзининг ҳиндуизм динига эътиқод қўйган укаси билан ҳокимият учун кураш олиб бориб, буддизм динига эътиқод қўйган эди. Шайлендра ҳукмронлиги даврининг биринчи ярми – давлатнинг гуллаб-яшнаши даври бўлди. Сулола асосчиси Суматрадаги Шривиджайя давлати билан иттифоқ тузган эди [27, 61-62 б.].

VII асрнинг иккинчи ярмида шарқий Суматрада буддавий давлат Шривиджайя юксалиб борди. Бу давлат ҳақидаги дастлабки маълумотлар хитойлик сайёҳ-буддавий И Цзинга тегишли бўлиб, 671 йилга оиддир. Янги давлатнинг маркази ҳозирги Палембанг ҳудудида жойлашган эди. IX аср бошларда Шривиджайяда Марказий Явада ҳукмронлиги инқирозга юз тутаётган Шайлендра сулоласи вакилларида бири ҳокимият тепасига келди. Бу даврда суматра ва Явани қамраб олган ягона давлат мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай ишончли далиллар йўқ, бироқ Суматрадаги ва Явадаги Шайлендра сулолалари ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар бўлганлиги маълумдир [8, 652-б.].

Шривиджайянинг юксалишига унинг Малакка бўғози қирғоқбўйида ҳамда Зонд бўғозига яқин жойлашганлиги, Жануби-Шарқий осиеёлаги ўша даврда етакчи денгиз давлати бўлган Фунаньнинг VI аср охирига келиб заифлашуви, Явадаги давлатлар ўртасидаги ўзаро низолар шароит яратиб берди. Шривиджайя асосий Суматра давлатлари – Малайя, Жамби ва бошқаларни босиб олди ва шу тариқа ўзига ўша даврда энг ривожланган Суматра ҳудудларини, Жануби-Шарқий Суматрага яқин ороллари, Малаккани бўйсундириб олди. Бундан ташқари Шривиджайя қитъада ўз таъсирини Чампагача кенгайтирди, архипелагда эса Ғарбий Ява ва Ҳарбий Калимантанни бўйсундириб, қудратли денгиз империясига (талассократияга) айланди. Босиб олинган ҳудудларда кўпсонли савдо

шаҳарларига асос солинди. Оролнинг ҳарбий қирғоқларидаги қадимги малайя шаҳри Кедах (санскритча Катаха, тамилча Кадарам) 695 йилда вассал қарамликка тушиб, Шривиджайянинг иккинчи пойтахти бўлиб қолди.

Ушбу савдо империяси экспансиясининг асосий мақсади ҳудудий босиб олишлар эмас, балки савдо йўллари устидан тўлиқ назоратни ўрнатишдан иборат эди. Шривиджайянинг асосий даромад манбаи савдо-сотик, Малакка бўғозидан сузиб ўтаётган кўпсонли кемалардан савдо улпонларини олиш, ҳамда аҳолидан олинаётган солиқ ва улпонлардан иборат эди. Шривиджайядан чиқарилаётган маҳсулотлар ичида олтин, қалайи, фил суяги, тропик ўрмон маҳсулотлари: зираворлар, камфора, ёғочнинг қимматбаҳо навлари ва бошқалар бор эди [25, 85-б.].

992 йилга келиб Шривиджайяга Матарамдаги яваликлар кўшинлар бостириб киришди. Бунинг сабаби иккала давлатнинг архипелгда гегемонлик қилиш ҳамда Матарамнинг Шривиджайя тахтига сулолавий интилиши эди. Бир қатор муваффақиятсиз урушлардан кейин Шривиджайя кўшинлари 1016 йилларга келиб, душманига қаттиқ ҳал қилувчи зарба беришга сазовор бўлди. Шривиджайя нафақат ўзининг олдинги ҳудудий чегараларини тиклаб олди, балки Матарамга тегишли бир қатор ҳудудларни ҳам ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Бироқ бу муваффақият жуда қисқа вақтга етди. Ғарбдан янги, жуда хавфли душман - Ҳиндистондаги Чола давлати кўшинлари Шривиджайяга хужум қилди. 1025 йилда Чола кўшинлари Шривиджайянинг бир қатор эгалиklarини босиб олишди.

Индонезия тарихида Шривиджая архипелагининг катта қисмини сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлаштирган дастлабки давлат ҳисобланади. Бу давлат нафақат Жануби-Шарқий Осиёнинг Филиппингача мавжуд бўлган мамлакатлари билан, балки Цейлон, Бенгалия, ҳатто Ўрта ер денгизи бўйларидаги ва Ўрта Осиёдаги мамлакатлар билан ҳам савдо-сотик муносабатларини ўрната олган эди. Уч аср мобайнида (VIII-X асрларда) Шривиджайя давлати Жанубий денгизларда олиб борилган савдо-сотик ва

денгизчиликда етакчи деб тан олинган эди ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи маданий маркази ва буддизмнинг дунёвий маркази ҳисобланган [46].

IX асрда архипелагнинг ғарбида Шривиджайя етакчилик қилаётган бир вақтда, Явадаги етакчи давлат ҳисобланган Матарамнинг қудрати халқ оммасининг камбағаллашуви ва урушлар ҳамда туганмас сулолавий ўзаро низолар, рожа сарой аъёнлари учун сарфланадиган ҳаражатлар, катта ибодатхоналар қурилишларига сарфланган маблағлар натижасида зиафлаша бораверди. Бундан ташқари, Яванинг марказий ҳудудларига табиий офатлар ҳам ёғилган эди: кучли вулқон портлашлари, вабо касаллигининг тарқалиши содир бўлди. Шайлендра буддавийлар сулоласи 100 йилга яқин вақт ичида Матарамда ҳукмронлик қилган эди. 870 йилга келиб у инқирозга юз тутди. Марказий ва Шарқий Явада ҳокимият тепасига Санжайянинг авлодлари келди. Улар ҳиндуизмга эътиқод қўйган эдилар. Давлат эскичасига Матарам деб номланган бўлса-да, унинг пойтахти ҳозирги Прамбанан қишлоғи (Жоньякартадан шарқда) яқинига кўчирилди. Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, Матарам давлати Явадаги илгариги вассалларини қайтарди, бироқ ўзаро низолар давом этиб, 928 йилда ҳокимиятни Синдок деган одам ўз қўлига киритди. Синдок – давлатнинг биринчи мансабдори бўлган. У ўзини Матарам ҳукмдорларининг меросхўри деб эълон қилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ Синдок пойтахтни яна эски жойига – Яванинг шарқига кўчирди. Синдокнинг сулоласи Марказий ва Шарқий Явада 1222 йилгача ҳукмронлик қилди. Унинг ворислари ўз аҳволини сулолавий никоҳлар билан мустаҳкамлашга интилдилар, шунинг учун Бали оролидаги рожалар билан қариндошчилик алоқаларига киришдилар. Айниқса рожа Дхармавамша машҳур эди. У Явада катта ҳудудларни босиб олиш билан бирга, Бали оролин и ҳам ўзига бўйсундирди, кейинчалик эса Шривиджайя билан архипелагда ҳукмронлик қилиш учун кураш олиб борди. Бироқ, Суматрага уюштирилган бир қатор муваффақиятли юришлардан сўнг, унинг қўшинлари тор-мор келтирилди. Кураш 1016 йилда

Матарамнинг мағлубияти ва Дхармавамшанинг вафоти билан тугалланди. [7, 564-566 б.]

Шу тариқа, илк ўрта асрлар даври тарихи бутун Индонезия архипелагини ягона давлатга бирлаштирилишига олиб келмади. Бундай бирлошув учун керак бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий омиллар эндигина шаклланаётган эди. Хукмронликка интилган давлатлар фақат мамлакатнинг айрим ҳудудларидагина вақтинчалик етакчиликка эриша олдилар, холос.

I-X асрларда Индонезиянинг маданиятида бир қатор ижобий ўзгаришлар ва силжиш кузатилди. Мамлакатнинг ривожланган ҳудудларида (Ява, Суматранинг айрим ҳудудлари) дастлабки давлатлар пайдо бўлиши вақтига келиб, замонавий индонезияликларнинг аجدодлари юксак ривожланган деҳқончилик маданиятига эга эдилар. Суғориш тармоқларининг кенг тарқалганлиги давлатнинг шаклланиши учун муҳим омил бўлди. Асосий қишлоқ хўжалик экини шоли бўлган. Архипелагнинг шарқий қисмида эса – саго ва илдизмевали ўсимликлар етиштирилган. Чорвачилик ҳам тарқалган. Йирик шохли моллардан буйвол ва буқалар, бундан ташқари чўчқа ва эчкилар боқилган. Кемасозлик ва денгизчилик техникаси ривожланган бўлиб, индонезияликлар узоққа сузиш имкониятига эга эдилар ва бутун Малайя архипелагига ўрнашиб олдилар. Эрамининг 1 мингйиллиги бошларида индонезияликлар Мадагаскарга етиб борганлар. Уларнинг дастлабки диний эътиқоди анимизм ва аجدодларга сиғиниш бўлган [22, 326-б.].

Архипелагнинг энг ривожланган ҳудудларида ижтимоий табақаланиш жараёни бошланиши билан Индонезия маданиятининг тараққий этишида кўшни мамлакатлар, биринчи навбатда, Ҳиндистоннинг таъсири катта бўлган. Ҳиндистондан янги, табақавий мафкура шакллари ўзлаштириб олинган, айниқса ҳиндуизм ва буддизм динлари, ёзув, ҳинд эпоси намуналари ўзлаштирилган. Ушбу таъсирларнинг излари бугунги кунгача ҳам сақланган.

Сўнги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Индонезия маданияти ҳам мустақил ривожланиш туфайли, ҳам бошқа мамлакатлар, даставвал Ҳиндистон маданиятларини ўзлаштириш орқали бойиб, ривожланиб борган. Дастлабки Индонезиялик ҳукмдорларининг сарой аъёнлари ҳинд кийимларига кийинишган эдилар. Шривиджайя давридаги ёзувлар қадимги малайя тилида бўлса-да, санскрит алифбосида ёзилган. Индонезия маданиятининг кейинги маданияти тараққиёти ҳам маҳаллий ва ҳинд маданияти элементлари синтези натижасида бойиган маҳаллий маданиятнинг кенгайиб бориши ҳамда ҳинд элементларини аста-секин сиқиб чиқарган, хатто бутунлай йўқ қилганлигини (масалан, санскрит тили) кўрсатади. XIII асрдан эътиборан эса мусулмон маданияти, кейинчалик эса - XVI аср бошларидан – европача маданият элементлари ўзлаштирила бошланади [27, 154-б.].

Индонезияликлар нафақат қўшни мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўзлаштирганлар, балки жаҳон цивилизацияси тарихига катта ҳисса ҳам қўшганлар. Улар дунёдаги дастлабки денгизчилардан бўлиб, денгизлар ва океанлар оша узоқ мамлакатларга кемаларда сузиб борганлар – Мадагаскаргача етиб борганлар! – ва янги ерларни ўзлаштириб, у ерда ўз маданиятларини, ўз тилларини тарқатганлар. Индонезия кирадиган Жануби-Шарқий асиёнинг ҳудуди - таро, мускат ёнғоғи, гвоздика, шоли, шакарқамишнинг айрим турлари, банан, кўплаб мевалар, доривор ўсимликлар ватани ҳисобланади. Маданий марказ сифатида Шривиджайя жаҳонга машҳур бўлди. Бу давлат VIII-X асрларда гуллаб-яшнаган даврини бошдан кечирди. Ҳиндистонда буддизм заифлашганида, Шривиджайя буддавий таълимотнинг маркази бўлиб қолди. Суматрага Ҳиндистон ва Хитойдан диндорлар келиб, бу ерда буддавий қоидалар ва санскритни ўрганганлар. Машҳур хитой буддисти И Цзин (VII асрнинг 70-90 йиллари) , Тибетдаги буддизм ислохотчиси Агиша (1011-1025 йиллар) ва бошқалар айнан Шривиджайяда таълим олганлар. Хатто Шарқий Ҳиндистонда ҳам

Шривиджайя ҳукмдорлари Индонезиядан келган буддавийлар учун меҳмонхона ва Будда ибодатхонасини бунёд этган этганлар. Малайю ва Шривиджайя давлатлари вужудга келганида малайя этник жамоаси шаклланиб бўлган эди.

Бу даврдаги асосий архитектура ёдгорликлари асосан Явада сақланиб қолган. Матарамнинг юксалиши даврида Санжайя ҳукмронлиги йилларида Марказий Явада ҳидуизмнинг бир қатор ибодатхоналари мажмуи барпо қилинди. Матарамнинг буддавий сулола Шайлендралар давридаги юксалиши Мендут чандиси (ибодатхонаси), Севу ибодатхонаси каби ёдгорликларда ўз ифодасини топди. Ибодатхоналар орасида энг асосий ўринни Боробудур – Будданинг кўпзинали ибодатхонаси эгаллайди. Бу ибодатхона 772 йилда бунёд этилди. Унинг баландлиги 42 м., асосининг томони 123 метрга тенг. Унинг 8 та галереяси Будданинг 508 та хайкали, 1460 та барельеф билан безатилган ва 5 км га тенг умумий узунликни ташкил этади. Боробудур – Будданинг ҳаёти ҳақида баён қилувчи, қадимги яваликларнинг уй-жойлари, кийимлари, кундалик турмуш тарзини ифода этувчи ёдгорликдир. IX аср охири – X аср бошларида Лара Жонггранг (Гўзал қиз) Шива мажмуи бунёд этилди. Бу ёдоғорлик Прамбанан қишлоғи ёнида жойлашган. Ибодатхоналардан асосийси Шиванинг ибодатхонаси бўлиб, у Индонезиядаги энг баланд бино ҳисобланади (48 м.). Шива, Брахма, Вишну ибодатхоналарининг пойдеворлари атрофида 156 та қабртошдан иборат мажмуа жойлашган. Қадимги Индонезия ёдгорликлари учун архитектура ва скульптура (меъморчилик ва хайкалтарошлик) нинг хайратланарли уйғунлиги хосдир. Ибодатхона қурувчилари оҳак ва цемент нималигини билмай, тошларни бир-бирига ёпиштириб жойлаштирганлар [2, 231-232 б.].

Индонезиянинг дастлабки адабий ва расмий тили санскрит бўлган, қунадлик муомалада эса маҳаллий тиллар (қадимги ява тили, қадимги малайя тили ва бошқалар) тарқалган. X асрдан биноан қадимги ява адабий тили – кави тилида асарлар яратилади. X аср бошларида “Рамаяна” қадимги

ява тилига таржима қилинди. Бир қатор буддавий асарлар ва эпослар ҳам кави тилига таржима қилинган эди. X аср охирида эса дастлабки ява қонунлари яратилди.

1-бобга хулоса

Қадимги даврда ва ўрта асрлар бошларига келиб (эрамизнинг I-VI асрлари) Ғарбий Индонезия ва «Олтин ярим орол»¹ ҳудудида ўнлаб шаҳар-давлатлар мавжуд бўлиб, улар ички ва транзит денгиз савдоси, шоли етиштириладиган водийлардан фойдаланиш ва тоғли аҳолининг улпон тўловларидан тушадиган даромадлар ҳисобига яшаганлар.

Малайяликлар ва қисман мон-кхмерлар аجدодлари истиқомат қилган энг қадимги маълум давлатлардан энг аввало, ярим оролнинг қирғоқ бўйида жойлашган шаҳар-давлатларни қайд этиб ўтиш керак. Бу ярим оролнинг шимолидаги Лангкасука ва Тамбралинга ҳамда уларга қўшни бўлган Таккола давлатларидир. Ўзларининг қулай географик жойлашувидан фойдаланган ҳолда ва кучли флотга эга бўлгани туфайли, айрим ҳолларда иттифокқа уюшган ҳолда, ушбу давлатлар Малакка ярим оролининг ғарбий ва шарқий қирғоқбўйидаги халқаро савдо коммуникациялари ҳамда Малакка бўғозидан Сиам қўлтиғига олиб борувчи денгиз йўлларини назорат қилганлар. III-V асрлардан уларнинг кўпчилиги вассал князликлар сифатида кхмерларнинг Бапном империяси таркибига кирган эдилар, бу империянинг парчаланганидан сўнг эса VI-VII асрларда Хитой билан фаол дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатган эдилар. Энг йирик вв кучли давлат Лангкасука бўлиб, унда буддизм динига эътиқод қилувчи аҳоли кўпчиликни ташкил қиларди. [3, 64-6.]

Индонезия ҳудудидаги Қадимги Малайя цивилизациясининг муҳим ўчоғи Шарқий ва Жанубий Суматра, энг аввало, Жамби ва Палембанга

¹ «Олтин ярим орол» деб грек муаллифлари Малайяни атаганлар. Ҳиндлар эса Суматрани тушунишган.

вилоятларидаги дарё водийлари ва портлари ҳисобланган. Бу ерда III аср бошларига келиб Гэни давлати ташкил топди. VI асрда эса Малайя давлати ташкил топди. Бу давлатлар Ҳиндистон, Форс, Хитой билан кенг савдо-сотик олиб борганлар. Суматранинг чекка шимоли ҳам, Малакка ва Зонд бўғозларига туташ бўлган бошқа ҳудудлар сингари, давлатчилик даврига ўтдилар.

V-VII асрларда Ғарбий Индонезияда ҳам ўзига хос тарихий-маданий ривожланиш юз берди. Энг ҳосилдор ва шоликор водийларида кўп аҳолига эга бўлган Ява оролида ҳам синфий жамият пайдо бўлиб, бу ерда бир қатор давлатларнинг ташкил топишига сабаб бўлди. Дехқон жамоалари бирлашмалари, уларнинг ерлари ва суғориш иншоотлар, уруғ-қабилалар зодагонлари кохинлар томонидан қўллаб-қувватланган олий ҳокимият эгаси бўлган монарх – деспотга бўйсунган эдилар. Ғарбий Явадаги Тарума давлати шундай давлатлардан бири бўлиб, унинг аҳолиси малайяликлардан иборат эди. Тарума ҳудудидан топилган V аср бошларига оид санскрит ёзувларида қўшни князликларни забт этган рожа Пурнаварманни мадҳ этилиб, унинг буйруғига кўра кўп километр узунликдаги суғориш канали қазилгани ҳақида маълумот келтирилган [14, 5-6 б.]. Бу даврда ҳиндуизм ва буддизм кенг ёйилиб, орол марказий қисмидаги Ява элатининг консолидация жараёни содир бўлди. VII асрнинг 40-70 йилларида Калинга подшоҳлиги юксалди ва ўзига бўйсунган ҳудудлардан турли улпонлар ундира бошлади.

Қазиш ишлари давомида топилган ёзувлар, сағаналар қолдиқлари ва бошқа манбалар шундан далолат берадики, Калимантан оролининг қирғоқбўйи вилоятларида ҳам маданият бирмунча ривожланган эди. Суматра ва Калимантан ҳамда Шарқий Индонезиянинг ички ҳудудларида эса ўша даврда ибтидоий жамоа тузуми ҳукмрон бўлганлиги аниқланган.

VI-VII асрларда Шарқий Суматрада муҳим давлат бирлашмаларидан бири ташкил топа бошлади. Бу даврда Бапном денгиз империяси

парчаланиб, Малакка бўғозидаги қўшни ҳудудлар мустақилликка эга бўлди [14, 13-б.].

Бу даврда Жанубий денгизларда халқаро савдо-сотиқ ривожланиб, фаоллашиб, унинг ҳажми орта борди.

2-БОБ. XI-XVI АСРЛАРДА ИНДОНЕЗИЯ ХАЛҚИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

2.1. XI-XV асрларда Индонезияда янги давлатларидаги (Кедири, Сингасари, Шривиджайя, Мажапахита) ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият

Эрамининг I-II мингйилликлар чегарасида архипелагда муҳим ижтимоий-иқтисодий силжишлар кузатилди. Жамоа-уруғчилик тузумига яқин бўлган жамият ривожланиб борди. Индонезиянинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етакчи ҳудудларида деспотия давлатларининг гуллаб-яшнаши шароитида феодал муносабатлар мустаҳкамланиб борди. Бундай давлатларда бутун ҳокимият ҳукмдор (рожа ёки султон) қўлида мужассамланган бўлиб, у барча ер ва сувларнинг эгаси ҳисобланган. Ҳукмрон доиралар рожаларнинг оила аъзолари, уларнинг яқин аъёнлари, вилоят ноиблари, ҳарбий саркардалар, турли тоифадаги кўпсонли мансабдорлар, олий ва ўрта рухонийлар, қишлоқлардаги оқсоқоллардан иборат эди. Рожалар ва уларнинг оила аъзолари, қишлоқдаги юқори табақадан ташқари қолган барчалари ўз хизматлари учун вақтинчалик ер инъомлари олишарди [25, 296-б.].

Дехқонлар озод бўлиб, жамоага анъанавий равишда, ҳамда иқтисодий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда боғланган эдилар; улар ўзлари мансуб бўлган жамоадан олган ерга эгалик қилишарди. Ерга жамоавий мулк шароитида индивидуал (ёки катта оилавий) эгалик қилиш устувор бўлган. Ернинг олий мулкдори давлатнинг ҳукмдори ҳисобланса-да, амалда ерга жамоалар эгалик қилишган (давлат-жамоавий мулк тури). Бу даврда ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқа бошлади. Давлат деҳқонлар устидан ўз зулмини ўтказиб, алоҳида деҳқонлар ҳамда бутун жамоа ҳам солиққа ва турли мажбуриятларга тортиларди.

XI аср бошларига келиб ушбу тузилма ўзгара бошлади. Жамоа аста-секин давлат ҳокимиятига унинг вакиллари бўлган зодагонлар ва маъмурлар орқали бўйсуна бошлади. Ҳукмдор табақа эндиликда “лавозим бўйича ҳокимият” ҳамда солиқларни йиғиш бўйича давлат вакилининг роли билан чекланмай қолдилар. Зодагонлар ва маъмурлар мансаб бўйича тухфалар (“боқиш учун”) олардилар, аста-секин бойиб, феодалларга айланиб бордилар ҳамда ерга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эришиб, ерни мерос мулк қилиб олдилар. Шу тариқа ерлар бир нечта субъектлар қўлларида мужассамлашган объект бўлиб қолди: бир томондан, жамоанинг (ҳам бутун деҳқонлар жамоасига, ҳам алоҳида деҳқонлар – ердан фойдаланувчилар), бошқа томондан эса, феодалларга қарашли бўлди. унда ҳам барча ерлар ҳукмдор шахсида давлатнинг олий мулки ҳисобланарди. Бошқача айтганда, мулкнинг феодал тури вужудга кела бошлади. Феодал муносабатларнинг ўрнатилиши жараёни ривожланган давлатларда XIV-XV асрларда интенсив равишда борди ҳамда феодал устқурманинг мустаҳкамланиб бориши, деҳқонларнинг эса янада бўйсундирилишида ўз ифодасини топди [25, 296-б.].

XI аср бошларидан Индонезияда сиёсий ва маданий характердаги йирик ўзгаришлар содир бўлади. Улардан энг асосийси Индонезиянинг сиёсий ва маданий марказининг ғарбдан шарққа силжиб бориши бўлди: суматралик давлатлар ўрнига эндиликда архипелагда Яванинг давлатлари гегемонлик қила бошлайди. Кейинги юзйилликлар мобайнида эса уларнинг етакчилик роли мустаҳкамланиб бораверади.

Жармавамшанинг вафотидан кейин узоқ давом этган ўзаро низолардан сўнг Матарамда 18 ёшли Аирлангга (Эрлангга) ҳукмронлик қила бошлади. У Жармавамшанинг куёви ва Бали ҳукмдори ҳамда Синдокнинг эварасининг ўғри эди. 1022 йилда у отасидан Бали оролини мерос тариқасида қабул қилди, 1037 йилга келиб эса Яванинг Шарқий қисм асосий қисмини Марказий Яванинг бир қисми билан бирлаштиришга муваффақ бўлди. Аирлангганинг муваффақиятлари жуда аҳамиятли бўлган

эдики, Шривиджайя рожаси Чола билан бўлган урушда мағлубиятга учраганидан кейин иттифокдошларни иўлаб, Аирланггага хотинликка ў қизини беради, у Ява ҳукмдорининг иккинчи хотини бўлиб қолади. Бу архипелагнинг марказий ва шарқий қисмларида Аирлангга ҳукмронлик қолувчи Яванинг ҳукмрон мавқега эгалигини тан олишликнинг ифодаси бўлди. Архипелагнинг ғарбий қисмида эса яна 2 аср давомида Шривиджайя етакчилик қилган. Аирлангга давлатнинг дунёвий ва диний бошлиғи ҳисобланган, бу эса шарқий типдаги деспотияга хос белги эди. Индонезия тарихига у “Ява ерларини йиғувчи” ҳукмдор тарзида кирди [25, 297-б.].

Аирлангга ҳукмронлиги даврида деҳқончилик ва савдо-сотиқ ривожига катта эътибор берилди. Матарам бандаргоҳларига нафақат суматралик савдогарлар, балки Индонезиянинг шарқидан келган кемалар, китъадаги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистондан ҳам савдогарлар келган.

1042 йилда Аирлангга махаража бўлиши билан бирга, ўз диққат-эътиборини ҳиндуизмнинг диний асосларини ишлаб чиқишга қаратди. Иккала қонуний хотинидан ҳам бола бўлмаганидан кейин, у ўз вафоти олдидан (у 1049 йилда вафот этди) давлатни ўзининг иккита ноқонуний ўғли ўртасида, кейинчалик ўзаро низолар чиқмаслиги учун, тақсимлаб берди. Брантас дарёсидан ғарброкда Панжаду князлиги ташкил топиб, кейинчалик у Кедирий (Пойтахт номи асосида) номи билан машҳур бўлди. Ўша дарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб шарқрокда эса Жанггала князлиги бунёд бўлди.

Кедири жуда қудратли ва гуллаб-яшнаётган князлик эди. Айниқса XII аср бошларидан у ҳар томонлама ривожланиб боради. Камешвара (1115-1130 йй.) ҳукмронлиги даврида Кедири сулолавий никоҳ натижасида Жанггалани ўзига қўшиб олди ва давлат янада кучайди. Бу даврда князлик ўз ҳукмронлигини нафақат Шарқий Явага, балки Бали, Тернате, Ломбок, Калимантан жанубига ҳам тарқатди ҳамда Шарқ мамлакатлари билан,

жумладан Форс ва араб мамлакатлари билан ҳам кенг савдо алоқаларини ўрнатди. XII аср сўнгги чорагида яшаган хитойлик географ Чжоу Цюй-фейнинг ёзишича, барча бой-бадавлат денгиз давлатларидан Ява давлати иккинчи ўринда туради (Арабистондан кейин). Айниқса Жайябхайя деган ҳукмдор (1135-1157) машҳур бўлиб, унинг номи билан Кедири давлати ҳудудининг кенгайиб бориши жараёни боғлиқдир [24, 127-128 б.]. Унинг давлати Кедири давлатининг қудратига деярли тенг эди. Жайябхайя санъатга хомийлик қилган, ҳамда Индонезияда Явани келгусида буюклик утаётгани ҳақидаги башорати билан машҳур эди. Бу башоратдан Индонезияда озодлик учун курашганлар кейинчалик фойдаланганлар.

Бироқ князликнинг ички аҳволи кескинлашиб бораверди. Солиқлар оғирлигидан норози бўлган омма исёнлар кўтара бошлади. Кедири давлатида сўнгги ҳукмдор ва кохинлар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Кохинлар князга қарши махфий кураш олиб боришди.

Архипелагнинг бошқа қисмларида, жумладан Бали, Ява, Суматра ва Калимантанда жамоа-уруғчилик муносабатлар и парчалана бошлади.

Кедиридан шарқда жойлашган Тумапел князлигида ҳокимият тепасига Кен Ангрок келди. У Тумапел князи саройига ишга кириб, князни ўлдирди ва ҳокимиятни ўз қўлига киритди. Кедири вассаллари ўртасидаги ҳамда Кедиридаги дунёвий ва диний ҳокимият ўртасидаги ўзаро низолардан фойдаланган ҳолда, Кен Ангрок кўпчилик вассаларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Кедири рожаси кўшинлари устидан ғалаба қозонганидан кейин 1222 йилда Кен Ангрок Шарқий Явада етакчиликни қўлга киритди ва янги давлатга асос солди. Бу давлат янги пойтахт номи билан Сингасари деб атала бошланди (ҳозирги Маланг шаҳри ўрнида). У ўз ҳукмронлиги остида бундан 200 йил олдин Аирланггага тегишли ҳудудларни бирлаштирган эди.

Янги давлатнинг тарихи қонли сарой тўнтаришларига бой эди. Улар ҳақида Явадаги солнома “Рожалар китоби” (“Параратон”) да ҳикоя қилинади.

1227 йилда Кен Ангрок ўзининг ўғай ўғли томонидан ўлдирилди. Ўз навбатида, Кен Ангрокнинг ўғли отасини ўлдирган одамдан қасдини олди. Сулолавий курашларга қарамай, Сингасари давлати иқтисодий жиҳатдан қудратли ва сиёсий жиҳатдан таъсирчан эди. Сингасарининг 1268-1292 йилларда ҳукмронлик қилган рожаси Кертанагара Нусантара – ороллар дунёсини бирлаштириш сиёсатини олиб борди. Бундай сиёсат ташқи душманларнинг кучайиб бориши сабабли, князликларни бирлаштириш лозимлигига қаратилди. 1279 йилда Хубилай қўшинлари Хитойни босиб олган бўлиб, ўз ҳукмронлигини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ҳам ёйишга интилди. Хубилай 4 марта Кертанагарадан Хитой сюзеренлигини тан олишни талаб қилган эди, бироқ Кертанагара рад жавобини қайтарди.

Кертанагаранинг ўзи ҳам босқинчилик урушларини, ҳам дипломатик музокаралар сиёсатини олиб борарди. У Мадуру, Бали, Ғарбий Калимантанни ўзига бўйсундирди. Унинг асосий мақсади Суматрадаги давлатларни, айниқса Шривиджайя ва Малайяни бўйсундиришдан иборат эди. Малайя бу даврга келиб Шривиджаянинг ҳукмронлигидан озод бўлиб, мустақил князликка айланган эди. 1275 йилда Кертанагара Суматрага қарши қўшин юбориб, унинг натижасида Шривиджайя, Малайя ва Малакка яриморолининг жанубий қисми босиб олинди.

Ўз ижтимоий таянчини кенгайтириш мақсадида Кертанагара ягона синкретлашган динни киритмоқчи бўлди. Бу дин буддизм ва шиваизмнинг асосий ақидаларига таяниши лозим эди. Унинг ўзи Шива-Будда номини олди. Бу ном иккала диннинг бирлашуви-уйғунлашувини билдириб, ягона ҳукмдорга тааллуқли эканлигини билдирарди. Бошқа томондан эса бу дин Кертанагаранинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий қудратини ошириши лозим эди. Умуман олганда эса, унинг сиёсати Индонезиянинг кейинги ўн йилликлардаги бирлашуви учун асос бўлди.

XI аср бошларидан эътиборан Индонезиянинг чекка ғарбий қисмида катта ўзгаришлар содир бўлди. 1025 йилда Жанубий Ҳиндистондаги Чола

давлати Шривиджайяга тегишли кўпчилик мулкларни ҳамда унинг пойтахтини ҳам тортиб олган эди. Чоланинг қўшинлари тез орада пойтахтни қолдирган бўлсада, Шривиджайя эндиликда ҳиндлар ва яваликларнинг зарбаларидан ўзини тиклай олмади ва аста-секин ўзининг Жануби-Шарқий Осиёдаги асосий денгиз савдоси давлати мақомини йўқота борди. Яна 200 йилча буддавий Шривиджайя Малакка бўғозида ҳукмронлик қилиш учун кураш олиб борди ҳамда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик билан шуғулланди. Бироқ, XII аср охирига келиб унинг таркибидан энг йирик вассаллари – Жамби ва Малайю ажралиб чиқишди. Савдо маркази эса Палембангдан Жамбига ўтди [14, 234-б.].

Бу даврга келиб ислом дини ёйила бошланган эди. Индонезияга ислом дини мусулмон-савдогарлари орқали киритилди. Бу савдогарлар асосан Индонезиядан ғарбда жойлашган мусулмон давлатларидан келар эди. Кертанагара зарбалари остида ҳамда Сукотаи давлатининг ҳужумлари (1280 й.) натижасида Шривиджайя Суматра ва Малакка яриморолидаги ўз мулкларини йўқотди, кейинчалик эса Кертанагара томонидан босиб олинди. Шу тариқа 600 йилдан ортиқ вақт ҳукмролик қилган ушбу империянинг тарихи ниҳоясига етди.

XI-XII асрларда Индонезияга ғарбдан келувчи савдогарларнинг кўпчилиги мусулмонлар бўлган. Асосан улар Гужарат (Ғарбий Ҳиндистондаги вилоят, унинг асосий шаҳри Камбай IX асрдаёқ Ҳинд океанидаги савдо маркази бўлган), Форс ва араб мамлакатларидан келган эди. Савдогарлар Индонезияга Молукка оролларида ўсадиган зираворларни сотиб олиш учун келишарди. Мусулмон савдогарлари архипелагда янги дин – ислом нининг ёйилишига катата ҳисса қўшишди. XIII аср охирида Индонезияда биринчи бўлиб ислом динини Шимолий Суматрадаги майда князликлардаги савдогарлар қабул қилишди (Перлак, Пасай ва бошқа). Кейинчалик бу давлатнинг ҳукмдорлари ҳам ғарбий мусулмон савдогарлари

билан доимий савдо-сотик олиб боришгани туфайли ислом динига ўтишди [29, 248-б.].

XIII-XV асрлар давомида Шривиджайя империяси ва Малайю давлати заифлашиб парчалана бошлади. Худди ўша даврда Шарқий Суматрада бирин-кетин Рокан, Кампар, Индрагири, Сиак ва бошқа князликлар ташкил топиб, Жамби князлиги кучайди.

XIV аср ўрталарида Марказий Суматрада йирик князлик Минангкабау вужудга келди. Ундаги иқтисодийнинг асоси деҳқончилик бўлган, князлик суматрадаги бошқа давлатлар билан савдо-сотик олиб борган. Минангкабаунинг расмий дини синкретлашган ҳиндуизм бўлса-да, аҳолининг асосий оммаси ибтидоий диний эътиқодларга содиқ қолган эди.

Индонезиянинг савдо муносабатларида Молукка ороллари ролининг ошиб бориши, иқтисодий жиҳатдан ривожланган халқлар билан алоқаларнинг кучайиши натижасида XV аср мобайнида Молукка архипелагида ҳам дастлабки князликлар вужудга келди. Улар орасида айниқса Тернате ва Тидоре ажралиб чиққан эди. Тернате князлиги Тернате оролининг шимоли ва ғарбида жойлашган ҳудудларда, Тидоре эса Тидоре оролидан жанубда ва жануби-шарқда жойлашган ҳудудларда ҳукмронлик қилишарди. Уларнинг ҳукмдорлари амалда Яванинг сюзеренитетини тан олишарди. XV асрда буг ва макассар халқларида ҳам дастлабки князликлар пайдо бўлди.

XIII аср охирига келиб Индонезияга хитойликлар келиб ўрнаша бошлашди. Хитойликлар асосан Шимоли-Ғарбий Калимантанда ўз қишлоқларини барпо этишди. Бундан ташқари, бу ерда чўқиб кетган кемалардан халос бўлган денгизчилар, қароқчилар, савдогарлар, кейинчалик эса Хубилай хужумидан кейин қолиб кетган жангчилар ўрнашиб олгандилар. Шривиджайянинг қулашидан кейин Шарқий Суматрада хитойликларнинг йирик қароқчилар маркази ташкил топди.

XIII аср охирида Индонезияга европаликлар кириб келишди. Биринчи европалик Венециядаги савдогар Марко Поло бўлиб, у 1292 йилда Хитойдан Шимолий Суматрага Хубилайнинг элчиси сифатида келган эди. 1321 йилда эса Явада италиялик рохиб Одорико ди Порденоне ташриф буюрган эди [31, 7-8 б.].

Кертанагаранинг марказлаштирувчи сиёсати Сингасарига бўйсунган князликлардаги зодагонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Кедири рожаси 1292 йил баҳорида исён кўтариб, унда бошқа норозилар ҳам иштирок этишди. Улар Сингасари пойтахтини қўлга киритишди. Кертанагара ўлдирилди, Сингасари эса давлат сифатида йўқ қилинди. Айни вақтда Хубилай Индонезияга 20 минглик қўшинни юбориб, 1292 йил охирида Явага ўрнашиб олди. Кертанагаранинг куёви Виджайя Мадуро оролининг князи ёрдамида Брантас дарёсининг қуйи оқимида келиб, Мажапахита деган жойда ўрнашиб олди. Мўғул-хитой қўшинларига таянган ҳолда у ўз душманларига зарба берди, сўнгра эса хорижийларнинг қўшинини қисмма-қисм тор-мор келтирди. 1293 йил май ойида 20-минглик қўшиндан Хитойга фақат 3 минг жангчи етиб келди, холос [5, 134-135 б.].

Виджайя 1293-1309 йилларда Кертаражаса номи остида ҳукмронлик қилди. У янги давлатга асос солиб, уни Мажапахита деб атади. Виджайя ва унинг ворислари даврида Мажапахитанинг қудрати юксалиб борди. Дастлаб Мажапахитага қарши кўзғолон кўтарган Явадаги ҳукмдорларнинг ҳаракатларига чек қўйилди. Ўрта асрлардаги “Рожалар китоби”да ёзилишича, 1295 йилдан 1328 йилгача Явада 9 та йирик кўзғолон бўлиб ўтган. Мажапахитанинг энг қудратли ва гуллаб-яшнаган даври эса Гаджа Мада ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келади. Гаджа Мада 1331 йилда махаража Хайям Вурукнинг потихи – биринчи вазири бўлган. Индонезияда уни миллий қаҳрамон сифатида улуғлашади, мамлакатни бирлаштирган ҳукмдор деб аташади. Босқинчилик урушлари ва тинчлик сулҳлари ёрдамида Гаджа Мада ҳозирги Индонезиянинг ҳамда Жанубий Малайянинг

деярли бутун худудини қамраб олган улкан худудни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу даврда Мажапахита махаражасининг ҳукмронлиги остида Ява, Мадуро ва Бали бўлган. Қолган худудлар эса вассал қарамликда бўлган. Бирлаштириш сиёсатиға мамлакатнинг турли худудларида явалик савдо мустамлакаларининг борлиги ҳам имкон берди. Мажапахитанинг кемалари бутун архипелаг бўйлаб сузиб юрарди. Шимолий Явадаги Тубан, Гресик, Сурабья бандаргоҳлари гуллаб-яшнади [8, 650-658 б.].

Мамлакатнинг бирлашуви унинг алоҳида қисмларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига туртки берди. Индонезиядаги халқлар этник жиҳатдан яқинлашди. Булар эса Индонезиянинг ташқи алоқаларига ижобий таъсир кўрсатди. Мажапахита Сиам, Чампа, Камбожа ва Хитой билан яқин қўшничилик муносабатларида бўлган.

Мажапахита даврида империянинг ҳукмдорларига бўйсунган худудларда феодало муносабатлар юқори нуқтасига етди. Мажапахита деспотия давлати бўлган. Унинг олий ҳукмдори, бутун ер мулкдори махаража Мажапахита бўлиб, унга кўпсонли вассал князлари бўйсунган эди. Бу князларнинг мулклари империянинг провинциялари ва округларига айланди. Давлатдаги асосий лавозимлар ва мансабларни ҳукмрон сулола вакиллари эгалларди. Бўйсунмас князлар ўрнига махаража ноибларни тайинларди. Бу оиблар ҳам асосан яқин қариндошлар ичидан танлаб олинарди. Улар маъмурий, фискал ва суд функцияларини бажаришарди.

Дехқонлар қишлоқ жамоаларига бирлашган бўлиб, уч томонлама зулм остида эдилар. Биртомондан, марказий ҳокимиятга бўйсунган бўлсалар, иккинчии томондан, феодаллар уларга ўз зуғумини ўтказишарди. Учинчи томондан эса қишлоқлардаги оқсоқоллар ва мансабдорлар (прийянлар) ҳам ўз зулмини ўтказишарди. Оқсоқоллар деҳқонлар барча мажбуриятларни бажаришини назорат қилиб туришлари лозим эди.

Оқсоқоллар йиғилган солиқлар миқдоридан ўндан бир қисмини ўзларига олишар эди. Ўзлари эса солиқ тўламасдилар.

Ява, Мадура, Бали, Суматранинг айрим ҳудудларида ва Сулавесида мулкӣ тенгсизлик намоён бўлган эди. Қишлоқлардаги деҳқонлар хўжалиги асосан натурал хўжалик бўлган. Ерларнинг ижтимоӣ тузилмаси эски кўринишда скланиб қолган бўлиб, уруғ-жамоачилик анъаналар ҳукмронлик қиларди.

Мажапахита даврида ҳукумат деҳқончилик ишларини рағбатлантирарди. Империя иқтисодиётининг асосини деҳқончилик ташкил этган бўлиб, империяда янги суҳориш ишоотлари қурилди, янги ерлар ўзлаштирилди, ишлов берилган ерлар аҳволи устидан назорат ўрнатилди. Оролларао иқтисодий алоқалар ҳам ривожланиб борди. Савдо марказлари яқинида жойлашгшан қишлоқларда деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиш жараёни тезлашди. Шаҳар ҳунармандлари, қишлоқ ҳунармандлари каби, давлат фойдасига ҳамда маҳаллий ҳукмдор фойдасига турли мажбуриятларни бажаришарди [25, 301-б.].

Гаджа Маданинг вафотидан кейин (1364 йилда) империя инқирозга юз тута бошлайди. Бу жараён вассалларнинг исёнлари, деҳқонларнинг кўзғолонлари натижасида кучайиб боради. Бундан ташқари ички сулолавий низолар, иқтисодий қийинчиликлар, диний низолар ҳам империяга қаттиқ салбий таъсир ўтказди ва уни заифлаштиради. Явадаги Мажапахитанинг собиқ вассаллари бирин-кетин мустақил бўлиб қолади. XV аср бошларига келиб архипелагнинг ғарбида Малакка юксалади.

Малакка Малакка яриморолининг ғарбий қирғоқбўйида жойлашган бўлиб, унинг юксалишига учта сабаб имкон берган эди: 1) қулай географик жойлашуви; 2) Мажапахитанинг заифлашуви; 3) ислом динининг қабул қилиниши ва бунинг натижасида Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларидаги мусулмон савдогарлари билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши. Малакканинг юксалиши натижасида Суматрадаги бир

қатор бандаргоҳлар янги савдо давлатининг савдо мустамлакаларига айланиб қолади. Шривиджайя эса тарих сахнасидан бутунлай тушиб қолади. Явадан ташқаридаги вассалларнинг Мажапахитадан ажралиб чиқиши сабабларидан бири 1405-1433 йиллардаги хитой сарой аъёнлари томонидан ташкил этилган экспедициялар бўлди. Жами 7 та экспедиция ўтказилиб, Хитойнинг қудрати намойиш этилди. Айрим князликлар Хитойга қарам бўлиб қолди.

XV аср бошларида Яванинг ғарбий қисмида Паджажаран князлиги кучайиб борди. Унинг шимолида эса савдо шаҳарлари мустаҳкамланди. Бу шаҳарлардаги ноиблар, бандаргоҳ қироллари деб аталиб, Малакка, Ҳиндистон савдогарлари, Араб Шарқи мамлакатлари билан мустақил тарзда савдо-сотик олиб боришарди. Шаҳарларда хорижий савдогарларнинг кварталлари пайдо бўлди. XV аср бошларида кўпчилик денгбўйи шаҳарлари исломлашган эди. Иқтисодий мустақилликка эришган бандаргоҳлар қироллари сиёсий мустақилликни ҳам қўлга киритишга интилдилар. Мажапахита билан курашда уларнинг мафкуравий қуроли ислом дини бўлди.

Бир-бирлари ҳамда ўзларининг синкретлашган ҳидуистик-буддавий-анимистик динини сақлаб қолган Ява ички ҳудудларидаги Мажапахита вассаллари билан бирлашиб, денгизбўйларидаги исломлашган шаҳар-давлатлар мунтазам равишда Мажапахитага хужумлар уюштирдилар. Натижада Мажапахитанинг чегарлари XV аср ўрталарига келиб Шарқий Явадаги бир нечта ҳудудлар билан чекланиб қолди, холос.

1478 йилда Мажапахитанинг пойтахти рақиблар қўшинлари томонидан босиб олинди. Мажапахитанинг сўнгги ҳукмдорларидан бири пойтахтни шарқроққа ўтказди. Мажапахита 1528 йилда, денгизбўйи шаҳарлар иттифоқи қўшинлари янги пойтахтни ҳам босиб олиб уни вайрон қилганларидан кейин бутунлай қулади. Омон қолган зодагонлар ислом дини қабул қилмасдан, эски динга содиқ қолган эдилар. Улар Яванинг шарқига қочиб кетдилар.

Хуллас, Мажапахитанинг қулашига бир қанча омиллар сабаб бўлди: марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, ява феодаллари орасидаги ҳукмронликка интилишлар, империя таркибининг хилма-хиллиги, айрим ҳудудларнинг географик жихатдан ажралганлиги; оғир солиқлар натижасида, маҳаллий оқсоқоллар, ҳукмдорлар зулми натижасида деҳқонларнинг қашшоқлашуви. Бироқ империя қулашининг энг асосий сабаби иқтисодий инқироз эди.

Хўжалик чекланган бўлиб, асосан мамлакатнинг марказий ҳудудларида жойлашган эди. Савдо алоқаларининг жадал кенгайиб бориши туфайли бухўжалик тизими давлатнинг иқтисодий негизини ташкил эта олмас эди. Айниқса денгизбўйидаги шаҳарлар ажралиб чиққанларидан кейин, Мажапахита заифлашиб қолган эди.

Дастлаб Мажапахитанинг қулаши Явадаги бошқа давлатларнинг иқтисодий алоқаларига таъсир кўрсатмаган эди. XV асрда ва XVI аср биринчи чорагида явалик савдогарлар ва денгизчилар архипелагдаги савдо-сотиқнинг асосий қисмини амалга оширардилар. Бироқ сиёсий парокандалик кучайиши билан, португалиялик савдогарлар ва конкистадорлар таҳдиди натижасида ахвол оғирлашиб бораверди. Мажапахитанинг қулаши Индонезия халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий бирлашувини бир неча асрга тўхтатиб қўйган эди.

2.2. XVI асрда Индонезиядаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ахволнинг кескинлашуви

Мажапахитанинг қулаганидан сўнг Ява ороли бир қанча катта бўлмаган феодал князликларга парчаланиб кетди. Бу князликларда мусулмон сулолалари ҳукмронлик қила бошлади. Мажапахиталик зодагонларнинг вакиллари Бали ҳамда Яванинг чекка шарқидаги Баламбанганга қочиб кетдилар.

Малакка бўғози худудида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. 1511 йил августида Португалия десанти хужум уюштириб, Жануби-Шарқий Осиёдаги савдо коммуникацияларининг йирик бўғини ҳисобланмиш Малаккани эгаллашга муваффақ бўлди [3, 173-б.]. Буюк салтанатнинг юз йиллик тарихи ниҳоясига етди.

Малакканинг эгалланиши Португалиянинг шарқда олиб борган кенг мустамлакачилик экспансияси режасининг бир қисмигина эди, холос. Бу ерда Португалия бир қатор қалъа ва факториялар тармоғини яратиш, зираворлар савдосига ўз монополияларини ўрнатиш, уларни тарқатиш бозорлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишни кўзда тутган эди. Ҳиндистон вице-қироли Аффонсу д'Албукерке даврида 1510 йилда Гоа ва қирғоқ бўйидаги бошқа муҳим пунктлар босиб олинди [28, 56-б.]. Малакката тўғридан-тўғри мустамлакачилик бошқарув тизимини ўрнатган мустамлакачилар савдо-сотик бобида ҳукмронлик қилиш учун олиб борилган кураш учун муҳим плацдармни эгалладилар. Шарқий Индонезиядаги Тернате ва Тидоре султонликлари ўртасидаги зиддиятлардан устомонлик билан фойдаланган ҳолда, Португалия Молукка оролларида, гвоздика ва мускат ёнғоғи сингари зираворлар ишлаб чиқариладиган ҳудудда бу зираворларни сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритди [14, 22-б.].

Португалияликларнинг бостириб кириши анъанавий савдо-сотик алоқаларини бузди, маҳаллий иқтисодиётга сезиларли путур етказди. Конкистадорларнинг қароқчилик ҳаракатлари, католик эътиқодининг мажбурий, зўрлик билан киритишга уринишлар, зираворларга паст нарх-наволарни белгилаш каби ҳаракатлар - муҳим қишлоқ хўжалик ҳудудларининг бўшаб кетишига ва хонавайрон бўлишига олиб келди. Бироқ кўплаб Индонезиялик давлатлар, айниқса XVI асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида, португаликларга қарши кураш бошладилар. Португалияликларга қарши кўтарилган бир қатор исёнлар Молукка оролларида ҳам кузатилди. Бу ерда португалияликларнинг аҳволи Испания билан доимий равишдаги

тўқнашувлар натижасида мураккаблашиб борди. Испания Филиппин оролларида мустамлакачилик тузумини ўрнатган эди. Бундан ташқари инглизлар ҳам бу сувларга киришга уринар эди.

Португалияликларнинг Индонезия ва Малайзиядаги талон-тарожлик сиёсатининг оқибатларидан бири шарқ савдогарларининг португалияликлар флоти хужумидан ва уларнинг талон-тарожлигидан хавфсираб фойдаланаётган денгиз йўлларининг ўзгариши бўлди. Бу ҳолат Зонд бўғози аҳамиятининг кучайишига ҳамда бу денгиз йўли билан боғланган қирғоқбўйи ҳудудларнинг бойишига олиб келди. Бу ҳудудлар Ғарбий Ява ва Суматранинг ғарбий қирғоқларида жойлашган эди. Зонд бўғози ҳудудида янги иқтисодий марказлар пайдо бўлди, улар асосида янги марказлаштирилган давлат – Бантам султонлиги ташкил топди. 1568 йилда Бантам мустақил давлат сифатида эълон қилинди ва тез орада Зонд бўғозининг Ява ва Суматра қирғоқларидаги барча ерларни бирлаштирди. Унинг пойтахти – истехкомланган Бантам порти бўлиб, XVI аср охирига келиб Шарқдаги энг йирик савдо шаҳарларидан орқада қолмас эди. Бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар келар эди: хитойликлар ва малайяликлар, гужаратликлар, монлар, араблар, эфиоплар зиғирпоя ва пахта толасидан тўқилган матолар, қимматбаҳо тошлар, дориворларни сотардилар. Бу маҳсулотларга гуруч, асал, туз, пахта, бўёқлар, қалайи, курғошин, темир каби Индонезия маҳсулотлари айирбошларди. Европада зираворларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши Бантамдаги қишлоқ хўжалиги ихтисослашувида ўз аксини топди. Деҳқон хўжаликларида янги ўсимлик - қалампир ўстирила бошланди. Унинг етиштирилиши ва сотилиши давлат монополияси деб эълон қилинди [3, 176-б.].

Бантам ҳарбий флотга ва артиллерияга эга бўлиб, Европалик мустамлакачиларнинг Явада мустаҳкам ўрнашиб олишга қаратилган интилишларини пучга чиқарган эди.

Бошқа бир йирик савдо маркази Аче султонлиги эди. Аче султонлиги Шимолий Суматрадаги муҳим портларга эгалик қилар эди. Бу портларда қалампир ва бошқа маҳсулотлар савдоси жуда фаол бўлган. XVI асрда ушбу давлат портулиялик Малакканинг кучли рақибига айланди ва Малакка ярим ороли ҳамда Суматра устидан ҳукмронлик қилиш учун кураш олиб борди. Аче султонлиги ўша даврда мусулмон оламининг маркази ва таянчи ҳисобланган Туркия билан диний ва ҳарбий алоқалар ўрнатган эди. Ярим оролнинг жанубида Аче султонлигининг рақибни Жохор султонлиги эди. Жохор султонлигида ҳукмрон сулола бу султонликни Малакка султонлигининг вориси деб эълон қилди [40, 329-330 б.].

XVI асрнинг бутун иккинчи ярми Португалия, Аче, Жохор ва уларнинг вассалари ўртасида Малакка бўғозида етакчилик қилиш учун кескин курашларда ўтди. Португалия Малайя-Суматра султонликларининг ўзаро рақобатидан фойдаланмоқчи бўлди. Улар ўртасидаги тинимсиз урушлар ва низолар анъанавий савдо алоқаларининг бузилишига ва пасайишига олиб келар эди. Шу билан бир қаторда илгари кам ривожланган чекка марказларнинг иқтисодий аҳамияти ҳам кучая борди. Шимолий Калимантандаги Бруней султонлиги, Сулавесининг жануби-ғарбидаги ҳозирги Макаassar ҳудудида жойлашган Гова султонлиги кучайиб борди.

Марказий Явада Матарам аграр князлиги 1575 йилда ўзини янгидан мустақил давлат деб эълон қилди. Агунга (1613-1645) ҳукмронлиги даврида Матарам Явада истилочилик урушларини олиб борди. Яваликларнинг феодал марказлаштирилган давлати Ява оролининг катта қисмини, Бантамдан Баламбангангача бўлган ҳудудларни ва Мадурани ўз таркибига киритди. Агунг явалик ҳукмдор унвони – сусухунан (барча бўйсунадиган одам) унвонини қабул қилди. Кейинчалик эса султон унвонини қабул қилди. Агунг ўз қўли остида нафақат дунёвий, балки диний ҳокимиятни ҳам бирлаштирди [40, 334-б.].

1596 йил 23 июнида Бантамга дастлабки Голландия савдо экспедицияси келиб, Нидерландиянинг Индонезияга мустамлакачи сифатида кириб келишига асос солди. 1602 йилда ташкил топган Ост-Ҳинд компанияси ва унинг номидан голланд савдо буржуазияси Нидерландия Генерал Штатларидан Яхши Умид бурнидан Магеллан бўғозигача бўлган барча давлатлар билан савдо-сотик қилиш монопол ҳуқуқини олди. Компания ўзининг қудратли савдо ва ҳарбий флоти, армияси, капитали билан кучли ҳарбий-сиёсий кучга айланди. У нафақат португалияликлар, кейинчалик инглизларни ҳам сиқиб чиқара олди, балки Индонезияда кенг ҳудудий истилоларни амалга ошира бошлади.

XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ компания Шарқий Индонезиядаги давлатлар ҳукмдорларини бир қатор мустамлакачилик характеридаги «иттифоқчилик шартномалари»ни имзолашга мажбур қилди. Оқибатда компания Тернат, Амбоиндан, Банда оролларида португалияликларни ҳайдаб, ўзларининг истеҳкомларини яратдилар.

Ява оролида эса голландияликлар дастлаб Матарам ва Бантам ҳукмдорларининг кескин қаршилигига учрадилар. 1619 йилда Жакартада фактория ва истеҳкомланган фортга асос солингандан кейин, Бантамнинг барча ҳужумлари голландияликлар томонидан муваффақиятли бостирилди ва улар Явада мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Батавия (Голландияликлар Жакартани шундай деб атаганлар) бутун Явани босиб олиш борасида таянч пункти, кенгайиб бораётган Нидерландия мустамлака эгалиklarининг ҳамда факторияларининг маркази бўлиб қолди. Бу таянч пунктлар, истеҳкомлар, фортлар ва факториялар Африкадан Япониягача чўзилиб кетган эди. Батавия (Жакарта) голландияликларнинг Индонезиядаги мустамлакасининг пойтахти бўлиб қолди [15, 46-б.].

Ост-Ҳинд компанияси зираворлар бозорига монопол равишда эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кескин курашда португалияликлардан устун келди. Молукка оролларида мажбурий паст нархларнинг ўрнатилиши,

ўз шоли манбаларига эга бўлмаслиги маҳаллий аҳолини очликка ва ўлиб кетишига олиб келди. Банда оролларида голландияликлар кулдорлик плантацияларини тузишга ҳаракат қилган эдилар. Қаршилиқ кўрсатишнинг ҳар қандай уринишлари шафқатсизларча бостирилган эди. Шу тариқа Банда оролларида 1621 йилда кўтарилган қўзғолон қонга ботирилган эди.

1641 йилда Голландиянинг Ост-Ҳинд компанияси Малаккани бостириб олди ва Индонезиядаги португалияликларнинг ҳукмронлигига чек солди. Бироқ бутун Явани босиб олиш ва у ерда Голландия мустамлакачилиқ тизимини ўрнатиш учун яна узоқ вақт кураш олиб борилди.

2.3. Индонезия маданияти

Индонезиянинг бирмунча ривожланган ҳудудларида (Ява, Суматранинг айрим ҳудудлари) дастлабки давлатлардан пайдо пайдо бўлишидан олдин ҳозирги индонезияликларнинг аجدодлари юқори ривожланган деҳқончилик маданиятига эга бўлганлар. Суғорма деҳқончилиқнинг кенг ёйилиши давлатларнинг шаклланиши учун муҳим шарт-шароит яратиб берди. Асосий қишлоқ хўжалиқ ўсимлиги – шоли бўлган, архипелагнинг шарқида эса – саго ва илдизмевалилар етиштирилди. Чорвачилиқ ҳам тарқалган бўлиб, хўкиз, қорамол, чўчқа, эчки боқилган. Кемасозлиқнинг ривож топган техникаси ва денгизчилик индонезияликларга узоқ масофаларга сузиш ва Малайя архипелагидаги кўпсонли оролларга бориб ўрнашиш имконини берарди, эрамининг 1 мингйиллиги ўрталарига келиб улар Мадагаскарга етиб боришди. Уларнинг диний эътиқоди анимизм ва аждодларга сиғиниш эди [8, 650-658 б.].

Архипелагнинг бирмунча ривожланган ҳудудларида табақаланиш рўй бериши муносабати билан Индонезия маданиятининг кейинги ривожда кўшни мамлакатлар, биринчи навбатда, Ҳиндистоннинг таъсири катта бўлди.

Хусусан, Ҳиндистондаги янги, синфий мафкура, ҳиндуизм ва буддизм динлари, ёзув, ҳинд эпоси ўзлаштирилди. Ушбу қадимги таъсирларнинг излари бизгача етиб келган. Бу эса бир қатор олимлар бутун Индонезия маданияти – маънавий, ижтимоий ва ҳатто моддий маданияти мустақил бўлмасдан, бошқа халқлардан ўзлаштириб олинган, дейишларига асос бўлмоқда [27, 56-б.].

Индонезия маданиятининг негизи, унда ҳинд ва индонезия элементларининг мутаносиблиги муаммоси Индонезия қадимги тарихини ўрганишда долзарб муаммо ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларда йиғилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўзига хос бетакрор Индонезия маданияти ҳам ўзининг мустақил ривожланиши, ҳам ўзга мамлакатлар маданиятини, биринчи навбатда ҳинд элементларини ўзлаштириш ҳисобига бойиб борган. Шу тариқа, биринчи Индонезия ҳукмдорларининг саройлари «ҳинд кийимлари»га бурканган бўлиб чиқди. Масалан, Шривижайя даврига оид дастлабки ёзувлар қадимги малайя тилида ёзилган бўлса-да, санскрит ёзуви билан битилган эди [50].

Индонезия маданияти тарихининг кейинги ривожини – маҳаллий ва ҳинд элементлари синтези натижасида бойитилган маҳаллий маданиятнинг кенгайиши; кейинчалик эса ҳинд элементларининг чиқарилиши ва улардан умуман халос бўлиши (масалан, бундай жараёни санскритнинг йўқ бўлиб кетиши мисолида кўриш мумкин). XIII асрдан эса мусулмон маданияти билан, XVI аср бошларидан Европа маданияти билан алоқаларнинг кучайиши босқичларидан иборат, деса бўлади [27, 61-62 б.].

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, индонезияликлар нафақат қўшни мамлакат ва халқлар маданияти ютуқларини фаол ўзлаштирганлар, балки ўзлари ҳам жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшганлар. Улар жаҳондаги дастлабки узоқ масофаларга сузишга журъат этган денгизчилар ҳисобланадилар. Индонезияликлар денгизлар ва океанлар оша

Мадагаскаргача етиб борганлар ва янги ерларни, ороларни ўзлаштириб, у ерда ўз маданияти, ўз тилини ёйганлар [34, 146-б.].

Жанубий-Шарқий Осиё минтақасининг Индонезия кирадиган ҳудуди таро, мускат ёнғоғи, қалампирмунчок, шоли, шакарқамишнинг айрим турлари, банан, кўп мева, бир қатор доривор ўсимликларнинг ватани ҳисобланади. Шривижайя ўз гуллаб-яшнаган даврида (VIII-X асрлар) маданият маркази ва цивилизация ўчоқларидан бири сифатида жаҳонга танилди. Ҳиндистонда буддизм инқирозга юз тутганда, Индонезия будда таълимотининг маркази бўлди. Суматрага Ҳиндистон ва Хитойдан зиёратчилар келган. Бу ерда машҳур Хитой буддавий И Цзин (VII асрнинг 70-90 йиллари), Тибетдаги буддизмни ислохотчиси Атиша (1011-1025 йй.) ва бошқалар будда дини қоидалари ва санскрит ёзувини ўрганганлар [27, 76-б.]. Ҳаттоки Шарқий Ҳиндистонда Шривижайя ҳукмдорлари Индонезиядан келадиган буддавий-зиёратчилар учун меҳмонхона ва Будда ибодатхонасини бунёд этганлар. Малайя ва Шривижайя давлатларининг ташкил топиши пайтида малайя этник жамоасининг шаклланиши бошланади.

Цивилизациялар тарихида тарихий ёдгорликлар, меъморчилик обидалар муҳим аҳамият касб этади. Индонезия цивилизациясига оид асосий меъморчилик ёдгорликлар Ява оролида сақлаб қолинган. Санжай даврида Матарама давлати юксалганида, Марказий Явада ҳиндуизм ибодатхоналарининг мажмуаси барпо этилди. Бу ҳақда 732 йилга оид ёзув далолат беради. Матараманинг улуғворлиги Шайлкендралар буддавийлар сулоласи даврида бир қатор ажойиб ёдгорликларда ўз аксини топди. Бу ёдгорликлар қаторига Чанди (ибодатхона) Мендут, Сева ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар орасида биринчи ўринни, ҳеч шубҳасиз, Боробудур эгаллайди. Боробудур – муҳташам кўпзинали Будда ибодатхонаси бўлиб, 772 йилда бунёд этилган. Унинг бўйи – 42 метр, пойдеворининг бир томони узунлиги – 123 метрни ташкил қилади. Боробудур ибодатхонасидаги галереялар (йўлаклар) Будданинг 508 та ҳайкали, 1460 барельефлар билан

безатилган бўлиб, жами 5 километр узунликни ташкил этади. Боробудур – Будданинг микрокосми ҳисобланиб, Будда ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари барельефларда уй-жойлар, кемалар, кийим-кечаклар, яваликларнинг кундалик ҳаёти тасвирланган [25, 92-б.].

IX аср охири – X аср бошларида Прамбанан қилоғи ёнида Лара Жонггранг («Сарвқомат қиз») Шива мажмуи бунёд этилди. Ундаги энг асосий ибодатхона – Шива ибодатхонаси бўлиб, у Индонезиядаги энг баланд иншоот ҳисобланади (бўйи – 48 метр). Асосий ибодатхоналар – Шива, Брахма ва Вишну ибодатхоналари бўлиб, улар атрофида 156 та мақбарадан иборат мажмуа жойлашган [25, 92-б.].

Умуман олганда, қадимги Индонезия ёдгорликлари учун меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ажойиб бирлашуви, улар қурилган жойнинг ўзига хос рельефидан усталик билан фойдаланиш хосдир. Ибодатхоналарнинг номаълум бунёдкорлари, охак ва цементни билмаган ҳолда, тошларни бир бирига зич қилиб териб қўйганларки, яхлит бир иншоот вужудга келган ва кўп асрлар давомида ўз муҳташамлиги билан барчани лол қолдирмоқда. Индонезияликларнинг техникаси тараққий этганлиги, катта марказлашган ҳокимият бўлганлиги ҳақида Тарумда 15 километр узунликдаги каналнинг атиги 21 кун ичида қазилганлиги ҳам далолат беради. Бу ҳақда тошда ўйиб ёзилган қадимги ёзув маълумот беради [27, 78-б.].

Индонезиянинг расмий ва адабий тили сифатида дастлаб санскрит ҳисобланган, кундалик муомалада эса маҳаллий тиллар тарқалган (қадимги яван, қадимги малайя тиллари ва бошқалар). X асрдан биноан кави деган қадимги яван адабий тилида бир қатор асарлар яратилади. X аср бошларида «Рамаяна» ва бошқа дostonлар индонезияликлар таҳририда яратилган. Бундан ташқари бир қатор диний китоблар таржима қилинган. X аср охирига келиб дастлабки яван қонунлари ёзма равишда чиқарилган [36, 11-б.].

XII-XV асрларда Кедири ва Сингасари давлатлари даврида буддизм ва шиваизм асосий диний эътиқодлар ҳисобланаган. Мажапахита империяси

хукмронлиги даврида ислом кириб келган. Бу давр маданиятида миллий элементлар кучайганлиги кузатилади. 1035 йилда кави тилида шоир Мпу Канва томонидан ёзилган «Аржунанинг тўйи» («Аржунавиваха») деган эпик асарда Аирлангги тарихи баён қилинган.

Бу даврда анъанавий Ява театри – ваянг пурво – соялар театри тарқалган эди. Қўғирчоқлар теридан ишланган бўлиб, сахна асарлари сюжети кундалик ҳаётдан олинадди. Ҳинд эпослари ҳам маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда сахналаштирилган. Жумладан «Махабҳарот»дан пандавалар ва кауравалар ўртасидаги кураш тарихи кави тилида қайта ишланган ва «Братаюда» номи остида сахналаштирилган эди. Бу асарни шоир Мпу Седах бошлаб, шоир Мпу Панулук охирига етказган (XII аср ўрталари). Мпу Панулук маъбуд Вишну ҳақидаги достонлар тўплами «Харивамса» достонини ҳам яратган. Бу даврда қаҳрамон Панжи саргузаштлари ҳақидаги ҳикоялар ҳам яратилди [37, 6-7 б.].

Сингасари давлати даврида яван тили ва адабиёти, меъморчиликдаги миллий йўналиш санскритни ва ҳинд меъморчилик услубларини бутунлай сиқиб чиқаради. Шива ҳиндуизми ва буддизмнинг бирлашуви содир бўлади. Бунда бу иккала эътиқоднинг ташқи кўринишлари у ёки бу даражада анимизм ва аجدодларга сиғиниш элементлари билан чамбарчас боғланган эди. Ушбу турли эътиқодларнинг тинч-тотув ҳукмрон қилгани ҳақида бир вақтнинг ўзида ҳам Шива, ҳам Буддага атаб қурилган ибодатхоналар далолат беради. Динларнинг қоришуви ҳақида Кертанагара томонидан ягона динни киритишга қилган уринишлари, ҳамда бир ибодатхонада вафот этган ҳукмдорни Шиванинг тимсоли сифатида, бошқа бир ибодатхонада эса – Будда тимсоли сифатида сиғинишганлиги ҳам далолат беради. Ибодатхоналар деворларида ўйилган тасвирлар эса анимистик руҳлар ва магик кучларни акс эттирарди.

Индонезиянинг сиёсий ва маданий ҳаётида исломнинг кириб келиши катта роль ўйнаган. Индонезиядаги энг илк мусулмон ёзуви 1082 йилга

тааллуқлидир. Бу ёзув Явадаги Сурабан деган жойда топилган ва Явага келган мусулмон томонидан уйиб ёзилган деб тахмин қилинмоқда. Дастлабкит мусулмонлар-индонезияликлар XI-XII асрларда пайдо бўлишган. Индонезияда исломнинг таянч нуқтаси Шимолий Суматра – Аче ҳудуди бўлиб, у ерга биринчи навбатда савдогарлар –мусулмонлар келарди. XIII аср охирига келиб, Шимолий Суматранинг асосий ҳудудлари исломлаштирилган эди [8, 650-658 б.].

Маданиятга ҳиндуизм-буддизм хусусиятларининг сиқиб чиқарилиши ва мусулмон элементларининг кучайишига асос бўлиб XIII асрдан бошлаб Ҳиндистондаги буддизм ва ҳиндуизмнинг таъсири тўхтаб қолганлиги, Индонезияга ва бошқа Шарқ мамлакатларига олиб борадиган янги савдо йўллари Араб Шарқи мамлакатларидан Ғарбий Ҳиндистон орқали, яъни мусулмон ҳудудлар орқали ўта бошлаганлиги хизмат қилади.

Мажапахита даврида миллий анъаналар етакчи ўринни эгаллаган эди. Умумий иқтисодий ва сиёсий юксалиш асосида ҳунармандчилик юксак ривожланди. Ажойиб батик – ранг-баранг расмли газламалар ишлаб чиқарила бошланди. Темирчилар крис – оловсифат лезвияли ханжарлар ясаган, заргарлар қимматбаҳо тошлардан нафис буюмлар ясаган.

Мажапахитанинг гуллаб-яшнаши - адабиёт, театр санъати, меъморчиликнинг гуллаб-яшнаши ҳамдир. Қадимги яван тили ўрнида ўрта яван тили ишлатила бошланди. Унда санскрит тилига оид сўзлар камчиликни ташкил қиларди. 1365 йилда сарой шоири Прапанча солномавий достон – «Нагаракертагама» («Фаровон мамлакат») ни ёзиб тугатди. бу достон – эпик асар бўлиб, Мажапахитани улуғлайди ва ўша даврдаги Явадаги ҳаётнинг қомуси ҳисобланади. Шоир ва солномачи Мпу Тантулар томонидан ҳам катта мерос қолди. У «Солнома» («Верттасанчайя») ва бошқа асарларни яратди. Индонезия Республикаси давлат гербидаги: «Бхиннека тунггал ика» - «Бирлик турли-туманликда» деган ибора ана шу шоир Мпу Тантуларга мансубдир. Бу даврда янги қонунлар яратилди [36, 16-б.].

Қўғирчоқлар театри (ваянг пурво) бизгача етиб келган анъанавий тусни олди ва байрамларда ҳанузгача намойиш этилмоқда. Ваянг пурво, байрамлар, рақслар, пантомималар гамелан мусиқаси садолари остида намойиш қилинади. Гамелан – индонезияликларнинг мусиқа асбобларидан тузилган оркестри ҳисобланади.

XII-XV асрларда Индонезияда кўпсонли ибодатхоналар қурилди. бу ибодатхоналар барельеф ва нақшлар билан безатилди. Ибодатхоналардаги ҳиндуизм ва буддизмнинг қоришуви яққол намоён этмоқда. Пойтахтда қизил ғиштдан қурилган бинолар кўпчиликини ташкил қиларди. Пойтахт шаҳар тош девор билан ўралган эди.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, Индонезия халқларининг маданий тараққиётида катта ўрин эгаллаган ва кейинчалик (1945 йилда Индонезия Республикасининг ташкил топганидан сўнг) мамлакатнинг давлат тили бўлган малайя тилининг тарқалиши муҳим роль ўйнади.

2-бобга хулоса

Хуллас, XI-XVI асрларда Индонезия тарихида бир қатор давлатлар – князликлар, империялар, шаҳар-давлатлар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўр ўрни ва аҳамиятига эга бўлган. Бу даврда айниқса, Кедири, Сингасари, Шривижайя, Мажапахита давлатлари кучайиб, юксалиб борган. Индонезиядаги бу даврда тарқалган маҳаллий анимистик, четдан киритилган буддизм ва ҳиндуизм аста-секин синкретлаша борди ҳамда Мажапахита даврига келиб ҳиндуизм-буддизм-анимизм синкретлашган дини устуворлик қилди. XIII асрдан биноан мусулмон савдогарлари томонилан ислом дини тарқала бошлади. Дастлаб Шимолий суматрадаги аҳоли ислом динини қабул қилади. Бу даврдаги Индонезия маданияти ҳиндуизм, буддизм ва ислом элементларига эгадир.

1331 йлда Мажарахитада Гаджа Мада ҳокимият тепасига келади. У Индонезиянинг миллий қаҳрамони бўлиб, унинг даврида мамлакатнинг бирлашувига асос солинган эди. Мажапахитанинг гуллаб-яшнаши даври адабиёт, театр санъати, меъморчиликнинг гуллаб-яшнаши давридир. Мамлакатда кўпсонли ибодатхоналар қурилди. Ибодатхоналарда буддизм ва ҳиндуизм элементларининг уйғунлашуви уларга ўзига хос тароват бахш этади.

Индонезия халқлари тарихида бу даврнинг муҳим воқеаларидан бири шуки, малайялик савдогарлар ва денгизчилар билан архипелагга малайя тили тарқала бошланган эди. Кейинчалик бу тил (1945 йилда Индонезия Республикаси ташкил топганида) мамлакатнинг давлат тили бўлиб қолди.

XVI асрга келиб Индонезияга португалияликлар кириб кела бошлайдилар.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Маълумки, ўтмишни ўрганмай келажакни яратиб бўлмайди. Зеро, бугуннинг кадр ва қиммати, мохияти ва салмоғи кечаги кун тарозиси орқалигина тўлиқ идрок этилади. Дарҳақиқат, тарихдан келажакка хизмат қиладиган амалий хулосалар чиқарилмагунча ҳеч бир жамият илгарилаб ривожланмайди.

Жахон тарихи фани инсоният тараққиёти ҳақида тўла ва батафсил тасаввур, билим ҳамда тушунчалар бериб, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди. Зотан, комил инсон тарбияси давлатимиз сиёсатининг устивор соҳасидир.

Жахон халқларининг тарихий тажрибаларида фойдаланиш, яъни тарихда бўлиб ўтган воқеалардан, ҳодисалардан, турли шахслар ҳаётидан, иқтисодий тараққиётдан, янги фаровон жамият қуриш йўлида инсонларни фозил, комил кишилар қилиб тарбиялашда фойдаланиш ва ҳозирги даврга хизмат қилдириш энг долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Биз инсониятнинг ўтмиш тараҳини ўрганишимизда уни собиқ советлар даврида ҳукмрон бўлган ғоя, яъни тарихни синфий курашлар нуқтаи назаридан талқин этишлардан ёки ноўрин кўрсатишлардан сақлашимиз зарур. Чунки «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти орқали биламиз, тарихнинг таг - томиригача назар ташлаймиз» [1, 4-б.]. Бинобарин, ҳаққоний тарих дилларга ҳаёт қонунини қуювчи, тилларга сўз бахш этувчи, кун-паякун салтанатларини қайта яратувчи, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, эгалари билан кўз ўнгимизда намоён этиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўжизадир. Унинг маънавий қудрати ила биз барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бўламиз, улар билан гоҳ суйиб, гоҳ куйиб, дилимизни рағбатлантирувчи, хисларимизга озуқа берувчи турли воқеалар, ажабтовур феъл-атворлар дунёсига ошно бўламиз.

Индонезия цивилизациясининг тараққиётига ислом дини ижобий таъсир кўрсатганини кўришимиз мумкин. Арабистонда ислом дини расмий давлат дини бўлганидан сўнг, бу ерда маданият, илм-фан гуллаб-яшнади. Ислоннинг Индонезияга кириб келиши билан мамлакатда учта маданий-тарихий мажмуа ташкил топди:

- дастлабкиси - Индонезиянинг Ҳиндистон ва мусулмон дунёси билан бўлган алоқаларидан олдин шаклланган маҳаллий хусусиятлари билан боғлиқ маданий босқич;

- ҳиндуизм-буддизм-анимизм маданий босқичи;

- ислом маданий босқичи.

Анимизм, аждодлар руҳига сиғиниш, ҳиндуизм, буддизм, ислом дин ва эътиқодларининг кураши ва ўзаро амал қилиши Индонезиянинг яқин юзйилликлардаги маданий тараққиётини белгилаб берди. Бунда янги, мусулмон маданияти Индонезия халқлари маданий қадриятлари мажмуига қоришиб кетди.

Хуллас, Индонезия тарихининг даврлари ва асосий воқеалари хронологиясини кўздан кечирсак ҳам, ҳар бир даврда бирон-бир катта маданий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса рўй берганини кўриш мумкин.

Хронологик жадвал

(Интернет маълумотлари асосида тузилган

www.travel.ru)

Саналар	Воқеалар
132	Явадан Хитой дастлабки элчилар жўнатилди
VII асрнинг 2 ярми	Шривижайя империясининг ташкил топиши

VIII аср бошлари	Явада Матарам I нинг юксалиши
Тахминан 772 й.	Боробудур монументал будда ибодатхонасининг бунёд этилиши
1019-1042	Аирлангга ҳукмронлиги ва Матарам I нинг гуллаб-яшнаши
1025	Жанубий Ҳиндистондаги Чола давлати қўшинларининг Шривижайяга босқини
XI аср ўрталари – 1222	Кедири давлати
1222-1292	Сингасари давлати
1268-1292	Кертанагара ҳукмронлиги ва «ороллар дунёсини» бирлаштириш сиёсати
XIII асрнинг 2 ярми	Индонезияда ислом дининг кенг ёйилиши
1292	Мўғул-хитой қўшинларининг Явага босқини. Венеция савдогари Марко Полонинг Шимолий Суматрага ташрифи
1293- 1528	Мажапахита империяси - ўрта асрлар давридаги Индонезия давлатчилиги тараққиётининг чўққиси
XIII-XIV асрлар	Индонезияда ислом динининг ёйила бошлаши
XIV аср бошлари	Шривижайянинг қулаши
1331-1364	Гажа Мада – биринчи вазир. Мажапахитанингуллаб-яшнаши
1365	«Нагаракертагама» эпик достонининг яратилиши
1512	Молуккада дастлабки португалияликларнинг пайдо бўлиши

1565, 1570-1575	Португалияликларга қарши Тернате султонлигидаги қўзғолонлар
XVI аср ўрталари	Бантам султонлигининг юксалиши
1575-1601	Сенапатининг ҳукмронлиги ва Матарама Иккинчининг юксалиши
1602	Нидерландиядаги Ост-Ҳинд компаниясининг ташкил топиши
1613-1645	Сунан Агунга ҳукмронлиги ва Матарама Иккинчининг ҳудудий кенгайиши
1619	Батавия (ҳозирги Жакарта) га асос солиниши
1620	Банда оролларидаги қўзғолонни голландлар томонидан вахшиёна бостирилиши
XVI аср охири - XVII асрнинг 1 ярми	Аче султонлигининг гуллаб-яшнаши
1674-1682	Матарама ҳукмронлиги ва голландияликларга қарши Трунажайя бошчилигидаги қўзғолон
1680 йиллар – 1706	Феодал зулм ва ажнабийлар мустамлакачилигига қарши Сурапати бошчилигидаги халқ кураши
1684	Голландияликларнинг Бантам билан мустамлакачилик битими
1740-1743	Голландиялик мустамлакачиларга қарши Хитой-Ява қўзғолони
1755	Матарама Иккинчининг Жокьякарта ва Суракарта султонликларига бўлиниши

1799, 31 декабрь	Ост-Ҳинд компаниясининг расмий равишда ағдарилиши
------------------	---

Тарихни инсоният тараққиётининг дарду қувончлари, ғалабаларию мағлубиятлари, яратувчилик қудратию барбод этувчи қора кучлари, жасорат ва хиёнат, оқ ва қоранинг шиддатли тўқнашувлари ҳақида ҳикоялар битилган кундалик дафтар дейиш мумкин. Шубҳасиз, «Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий бўлиб қолаверади, унинг маданияти абадий яшайди» [1, 21-б.]. Умуман, тўғри англаб етилган, чуқур идрок этилган тарих улкан маънавий кучга айланиб, буюк келажакни яратиш омили бўлади.

ТАВСИЯЛАР:

Маълумки, таълим беришда ўқитиш услублари асосий ўринни эгаллайди. Услубларни эса ҳар қандай муаммони узатиш ва қабул қилиш хусусиятига қараб сўз орқали ифодаланадиган, кўргазмали ва амалий услуб каби турларга ажратиш мумкин.

Ўз навбатида, таълимнинг кўргазмали услуби – шартли равишда иккига бўлинади. Яъни иллюстрация услубига плакат, харита, жадваллар, тарихий шахслар ва алломаларнинг портретлари, музей экспонатлари, тарихий ёдгорликлар расмлари, стендлар кирса; намоиш қилиш услубига дарс ўтиш мобайнида мавзуга боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни ҳикоя қилиш жараёнида янги педагогик технологияларга мувофиқ замонавий компьютер ва ахборот коммуникация тармоқлари ёрдамида компакт дискда электрон китоблардаги мавзуларни экранда ёритиш, мавзуга оид махсус кинофильм ва диафильмларни намоиш этиш киради.

Кўргазмали услубни таълим соҳасига жорий этишда масофавий ўқитиш тизими муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида масофадан ўқитиш тизими кенг қўлланилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда масофадан ўқитиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилаётганини айтиш жоиз. Жумладан, таълим муассасаларимизда ИНТЕРНЕТ кафелар ташкил этилди, фанлар бўйича электрон китоблар, мультимедиялар, электрон кутубхона, аудио ва видео материаллари тайёрланди. Бошқа фанлар қатори тарих фанининг «Қадимги дунё тарихи», «Ўрта асрлар тарихи», «Жаҳон цивилизациялари тарихи» ўқув курслари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурига мувофиқ махсус электрон китоб тайёрланиб, ўқув машғулотлари замонавий компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу технологиялардан тарих дарсида қандай фойдаланиш мумкин? Мисол тариқасида тарих фанининг «Жаҳон цивилизациялари тарихи» курси бўйича «Жануби-Шарқий Осиё халқлари цивилизацияси» мавзуларида дарс ўтишда замонавий компьютер ва ахборот технологиялари ёрдамида кўргазмали жиҳозлардан қандай фойдаланишни кўриб чиқамиз.

Жумладан, «Жануби-Шарқий Осиё халқлари цивилизацияси» мавзусида «Индонезия цивилизацияси» асосий саволини олайлик. Авваломбор, қўйилган масала моҳиятини талабалар онгига тўлақонли етказиш мақсадида мавзуни режа асосида уч қисмга бўламиз.

1) Индонезиянинг Ҳиндистон ва мусулмон дунёси билан бўлган алоқаларидан олдин шаклланган маҳаллий хусусиятлари билан боғлиқ маданий босқич;

2) ҳиндуизм-буддизм-анимизм маданий босқичи;

3) ислом маданий босқичи.

Мавзуни тушунтиришдан олдин мавзу матнини, кўргазмали жиҳозларни сканер ёрдамида доскада кўрсатиб, мавзуни тунтиришда фойдаланмиз. «История стран зарубежной Азии в средние века» (М., 1970), «Древние цивилизации» (М., 1989) китобларида маълумотлар, Интернет сайтларида (айниқса, www.travel.ru; www.turizm.ru; www.krugoswet.ru сайтларида) археологик топилмалар, ёдгорликлар расмлари, хариталар келтирилган. Улардан фойдаланиб, «Power Point» дастури асосида тақдимот кўргазмасини ташкил этиш ҳам мумкин.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг изчиллик принципига амал қилиб, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар тузиб, уни видеопроектор ёрдамида доскада намоиш этамиз ва талабаларнинг мавзу бўйича олган билимларини аниқлаб оламиз.

Саволлар:

1. Индонезия цивилизациясининг асосий ёдгорликларини биласизми? Уларга қандай археологик ёдгорлик ва топилмаларни киритиш мумкин?
2. Синкретлашган диний эътиқод, синкретлашган маданият деганда нимани тушунасиз?
3. Индонезия маданияти Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги бошқа худудлар цивилизациясидан давлатлардан (Малайзия) қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
4. Индонезиядаги ибодатхоналар қурилиши қайси услубда бўлган?
5. Индонезияда маданият ривожланганидан қайси топилмалар далолат беради? Ва ҳоказо.

Уйга вазифа сифатида мавзуни ўқиб келиш ва тест топшириқларини ечишни, махсус мустақил топшириқларини бажариб келишни бериш мумкин.

Мавзу юзасидан 10тадан кам бўлмаган тест топшириқларини талабалар билимини синаш мақсадида электрон маъруза тайёрлаш мумкин.

Электрон китоблар айниқса масофавий ўқитиш тизимида жуда қулай манба ҳисобланади. Электрон китобдаги керакли мавзу маълумотларини махсус электрон почта ёки сайтлар орқали талабаларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўламиз. Шунинг учун республикамизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари бу борада, яъни электрон дарсликлар билан алмашишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Янги аср кишиларда фаоллик билан мустақил иш олиб бориш, тезкорлик билан қарорлар қабул қилиш, ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашишни талаб этмоқда. Шу боис ҳам таълим тизимида биринчи навбатда дарс бериш фаолиятига эмас, аксинча, ўрганиш, таълим олиш фаолиятига бирламчи эътибор қаратилмоқда. Анъанавий таълимда ўқитувчи (ёки дарслик) асосий билим манбаи, шунингдек билиш жараёнининг назоратчиси бўлган бўлса, шахсга мўлжалланган таълимда ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ўқув фаолиятини йўналишга солиб, аниқлаб боришдан иборат бўлмоқда. Айнан шу вазифаларни бажариш бугунги мамлакатимиз таълим тизимида жорий қилинаётган янги педагогик технологияларда ўз аксини топмоқда. Албатта, ушбу янги таълим технологияларини кенг жорий этиш, талабаларнинг фаоллик билан ўқиш ва муаммоларнинг мустақил равишда ечимини излаш ҳамда талабаларнинг ўз имкониятлари доирасида нималарга қодир эканликларини тўла шакллантиришга катта имкониятлар беради.

Бундан ташқари, мавзуни ўрганишда семинар машғулотини ўтказиб, унда интерфаол методлардан «конкурс» услубидан фойдаланиш мумкин. Мазкур услубнинг асосий хусусияти шундаки, бунда ўқитувчи «кичик гуруҳлар»дан фаркли равишда бутун гуруҳ билан иш олиб боради. У қандай бўлмасин, тугалланган «модул» бўлимига доир машғулотларни умумлаштиришда ёки оралиқ назоратнинг босқичларидан бирини ўтказиш усули сифатида қўл келади. Метод талабалар билимларини баҳолашда бир эмас, балки бир неча педагог иштирок этишини талаб этади. «Конкурс»

методи талаба нутқини ривожлантиради, у ўз фикрини ҳимоя қилиш, конкурс қатнашчиларининг жавобларини таҳлил қилишни ўрганади. «Ўрта асрлар тарихи» дан Жануби-Шарқий осиё мамлакатлари тарихини ўтишда мавзуга тегишли муаммоли савол, мустақил иш топшириқлари, назорат топшириқлари, тестлар тузилади ва талабаларга тайёргарлик кўриш тавсия этилади.

Мавзулар юзасидан муаммоли саволлар тузилиб, карточкаларга киритилади ва «конкурс» пайтида «кичик гуруҳ» сардорларига тарқатилади. Умуман «конкурс» методика «Заковат» ўйини қоидаларига ўхшатиб ўтказиш ҳам мумкин. Бунда машғулот очиқ дарс сифатида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчаси талаба ёшларимизни тарихимиз билан қуроллантиришга ёрдам беради. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ...Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур» [1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.:Шарқ, 1998
2. Архитектура стран Юго-Восточной Азии. Очерки. - М., 1990
3. Ацамба Ф.М., Лапина З.Г., Мейер М.С. История стран Азии и Африки в средние века. Часть 1. М.:МГУ, 1987.
4. Бандиленко Г. Г., Гневушева Е. И., Деопик Д. В., Цыганов В. А. История Индонезии (в трёх частях). — М., 1992—1993.
5. Бокщанин А.А. Китай и страны Южных морей в XIV-XVI вв. — М., 1968
6. Всемирная история. — М., 1956. — Т. 2. — С. 588—590.
7. Всемирная история. — М., 1957. — Т. 3. — С. 564—566.
8. Всемирная история. — М., 1958. — Т. 4. — С. 650—658.
9. Всемирная история. — М., 1958. — Т. 5. — С. 87-101; 326—345.
10. Всемирная история. — М., 1960. — Т. 7. — С. 374—380.
11. Всемирная история. — М., 1961. — Т. 8. — С. 444—448.
12. Всемирная история. — М., 1962. — Т. 9. — С. 131—135, 261—263, 459—460.
13. Всемирная история. — М., 1965. — Т. 10. — С. 167—171, 515—519.
14. Губер А.А. Индонезия. Социально-экономические очерки. — М.-Л., 1932.
15. Губер А.А. К истории голландского проникновения в Индонезию. // Ученые записки МГПИ. Т.III. Вып.1. — М.,1941
16. Демин Л.М. Остров Бали. М., 1964.
17. Демин Л. М., Другов А. Ю, Чуфрин Г. И. Индонезия. Закономерности, тенденции, перспективы развития. — М., 1987.
18. Древние цивилизации. — М.:Мысль, 1989
19. Жўраев А. Тарих фалсафаси. — Т.:Шарқ, 1998
20. Зибер Н. Община и государство в Нидерландской Андии. Л., 1981
21. Индонезия // Большая советская энциклопедия. — М., 1972. — Т. 10. — С. 539—556.

22. История Древнего Востока. – М., 1981
23. История ислама – М., 1980.
24. История стран Азии и Африки. – М., 1985
25. История стран Зарубежной Азии в средние века – М.:Наука, 1970
26. Козлова М.Г., Седов Л.А., Тюрин В.А. Типы раннеклассовых государств в Юго-Восточной Азии. – М., 1968. С. 516-545.
27. Маретин Ю.В. О характере индо-балийской культуры.// Сборник «Страны и народы Востока.». Вып.V. – М., 1967
28. Можейко И.В., Седов Л.А., Тюрин В.А. С крестом и мушкетом. – М., 1966
29. Народы Юго-Восточной Азии (Серия «Народы мира»). – М., 1966
30. Новая история стран зарубежного Востока. – Т.1. М., 1952
31. Политика европейских держав в Юго-Восточной Азии. М., 1962.
32. Прокофьев О. Искусство Индонезии. // Искусство Юго-Восточной Азии.- М., 1967. С.43-128
33. Рябинкин А. Искусство Индонезии. Альбом. –М., 1959
34. Свет Я.М. По следам малайских мореходов. // По следам путешественников и мореплавателей Востока.-М., 1965. С.149-160
35. Семенов В.Ф. Ёрта асрлар тарихи – Т.:Ўқитувчи, 1973.
36. Сикорский В. Индонезийская литература.- М., 1965
37. Сказание о Панджи Семиранг. – М., 1965
38. Сказание о Сери Раме. Индонезийская Рамаяна.- М., 1961
39. Хеннинг Р. Неведомые земли. Т.1-4. М., 1961-1963
40. Холл Д.Дж.Е. История Юго-Восточной Азии – М., 1958
41. Шевеленко А.Я. Сопоставление путей генезиса феодальных отношений во Франкском государстве и в Индонезии. // Вопросы истории. 1965. №12.
42. www.wikipedia.ru
43. www.google.ru

44. www.krugoswet.ru
45. www.travel.ru
46. www.southeast.ru
47. www.ancient.ru
48. www.cia.gov/library/publications
49. www.turizm.ru
50. www.bankreferatov.ru

ИНДОНЕЗИЯ ХАРИТАСИ

(www.cia.gov/library/publications)



М У Н Д А Р И Ж А

Режа.....	2
Кириш.....	3
1-БОБ. I-X АСАРЛАРДА ИНДОНЕЗИЯДАГИ ДАВЛАТЛАР ТАРИХИДАН.....	10
1.1.Индонезиянинг дастлабки давлатларидаги ижтимоий- сиёсий ва маданий ҳаёт.....	10
1.2. Матарамнинг юксалиши ва Шривиджайянинг гуллаб-яшнаши.....	19
1-бобга хулоса.....	28
2-БОБ. XI-XVI АСРЛАРДА ИНДОНЕЗИЯ ХАЛҚИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ.....	32
2.1. XI-XVI асрларда Индонезияда янги давлатларидаги (Кедири, Сингасари, Шривиджайя, Мажапахита) ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт.....	32
2.2. XVI асрда Индонезиядаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви.....	47
2.3. Индонезия маданияти.....	54
2-бобга хулоса.....	63
Хулоса ва тавсиялар.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Иловалар.....	79
---------------	----